ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ

КУНДАЛИК ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ РЎЗНОМА

1991 йил 18 декабрь
ЧОРШАНБА
№ 244 (5.287).
Баҳоси 8 тийин.

1974 йил 1 январдан чиқа бошлаган ♦ Ҳафтада беш марта чоп этилади

РИЗҚ-РЎЗ САРЧАШМАСИ

ДЕҲҚОН ЭРТАНИ ЎЙЛАР

Навоий номли жамоа хўжалиги Қува районидаги иқтисодий бақувват жамоалардан. У йилдан-йилга юксалиб бормоқда.

Миришкор деҳқонлар айни кунларда кузги-қишки тадбирларни уюшқоқлик билан амалга ошириб, келгуси йил ҳосилига мустаҳкам замин ҳозирлашмоқда. Ерни ғўзапоядан тозалаш ва сифатли шудгор қилишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Шудгорлашдан олдин ерга маҳаллий ўғит, суперфосфат ҳамда калий солиб ҳайдашяпти.

Бу ишга 10 та прицеп, 4 та агрегат ҳамда 4 та юклагич ажратилган. Далага маҳаллий ўғит ташиб чиқаришда Обиджон Турсунов, Турсунали Мамажонов, Одил Пирматов, Холмирза Мамасаидов каби тракторчилар пешқадамлик қилишмоқда.

— Жорий йилда 700 гектар ерни текислашимиз лозим, — дейди жамоа хўжалиги бошқаруви раиси Оллоберди Юсупов,— бу ишда бешта механизм иштирок этаяпти. Экин майдонларимиз қумлоқ, тошлоқ жойларда жойлашган. Ер ўташўрланган. Шу боис жорий йилда 700 гектар ернинг шўрини бир марта, 200 гектарникини эса икки марта ювишимиз керак. Айни кунларда ерларнинг полини очишни ҳам жадаллик билан олиб бораяпмиз. Бунда 60 нафар сувчи қатнашаяпти. Уларга иссиқ кийим-бош, этик бердик.

Хўжалик юритишнинг янги усулига ўтилгани яхши бўлди. Ижара ва оила пудрати пахтакорларнинг манфаатдорлигини ошираётир. Айниқса, жорий билда қўлда терилган бир килограмм хом ашё учун 40 тийин ҳақ тўланганлиги деҳқонлар руҳини кўтариб юборди. Ишларига барака киритди.

Хўжалик деҳқонлари 1.111 гектар майдонда ғўза ўстиришиб, ҳар гектар майдондан 30,1 центнердан ҳосил олдилар. 3 минг 353 тонна қимматбаҳо хом ашё тайёрланди. Айни пайтда бу ерда келгуси йил ҳосилига пухта замин яратилмоқда.

А. ТЎХТАСИНОВ.

Арнасой районидаги Ю. Фучик номли давлат хўжалиги сут соғувчиси Рўзигул Яхшибоева қарамоғида 20 бош сигир бор. У жониворларни рацион асосида парваришлаш, мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланишда барчага намуна. 5 йилдан буён режаларни зиёдаси билан адо этиб келмоқда. Рўзигул жамоат ишларида ҳам фаол қатнашади. Меҳнат унумдорлигини ошириш ва маҳсулот таннархини арзонлаштиришга қаратилган ташаббуслар билан майдонга чиқмоқда.

У. ҚЎШВОҚОВ олган сурат.

Икки дугона — Мавлуда Арабова ва Роҳатой Шерқулова (суратда) Денов районидаги Ленин номли жамоа хўжалигининг пешқадам чорвадорларидир. Улар айни кунларда сидқидил тер тўкиб, кўрсаткичларини яхшилаб боришяпти. Ниятлари ҳар сигирдан йил охиригача қарийб 4 минг килограммдан маҳсулот олишдир.

Ш. СУЛТОНОВ олган сурат.

УМИДЛИ ДУНЁ

Шундай одамлар борки, суҳбатидан дил яйрайди, ҳалол меҳнати билан чўлдир бўстонга айланади, тошлоқ ерда гул унади. Ана шундай камтар, олижаноб инсонлардан бири Ҳайдарали Қирғизовдир. Бир куни у ишлаётган Наманган районидаги «Коммунизм» жамоа хўжалиги аъзоларига ўзлаштириш учун адир ерлардан бериладиган бўлди. Мелибой Холмирзаев бригадир, Ҳайдарали ака механизатор қилиб тайинланди. Миришкор деҳқонлар ишни туя ўркачларидек қир бағрини текислаб, экин майдонларига айлантиришдан бошлашди. Лоток ариқларда сўв олиб келинди. Қишин-ёзин тер тўкилди.

Орадан йиллар ўтиши билан адирлардаги экин майдонлари тобора кенгайиб борди. «Ленинград», Дзержинский номли, Тельман номли, Свердлов номли жамоа хўжаликлари барпо этилиб, пахта, полиз, сабзавот экинлари экилди. 1979 йилда эса «Самарқанд» давлат хўжалиги ташкил топди. Ҳайдарли ака биринчи фаол ишчиларидан бўлди. У ишлаётган 10 бригадада 30 гектардан ортиқ майдонга хўраки узум кўчатлари экилди. Токларни парваришлашда бош-қош бўлди.

Ўтган йили у хўжалик раҳбари ҳузурига кирганди:

— Меҳнат фахрийси бўлганимга ҳам бир-икки йил бўлди. Қир бағрида анжирзор, анорзор барпо этмоқчиман,— деди у.

— Яшанг-е, бормисиз. Орзуингизни амалга ошиши учун лозим бўлган ҳамма ёрдамга тайёрмиз, — деди директор унга далда бериб. — Сиз танлаган ер серунум, сув чиқариб берамиз. Лекин кўчат масаласи нима бўлади?

— Бунинг иложини ўзим топаман.- Анжир, туяттиш, қай анорларидан етарлича қаламчалар олиб, ерга кўмиб қўйганман. Эрта баҳор келиши билан иш бошлаймиз, — деди Ҳайдарали ака ишонч билан.

— Жуда пухтасиз-да, — мамнунлигини яшира олмади директор. — Ишни бошлайверинг.

Яқинда йўлимиз Наманган районидаги «Самарқанд» давлат хўжалигига тушиб, унинг раҳбари Юсуфжон Ҳамроҳўжаев билан бирга Ҳ. Қирғизов яратган боғларни кўздан кечирдик. Анорзору анжирзорлар қиш уйқусига чўмган. Боғ келгуси йил мўл ҳосилидан дарак бериб турибди.

— Директоримизга раҳмат, техникадан, сувдан қийналиб қолган вақтларимизда ёрдам бердилар, — деди миришкор. — Дастлаб бир гектар ерда анжир қаламчасини экиб кўкартириб олдик. Қолган майдонларга анор ўтказдик. Уларни бехато ўстириб олиш осон бўлмади. Чайлада ётиб, ниҳоллар аҳволидан кўз-қулоқ бўлиб турдик. Шу йилнинг ўзиёқ анжирларимиз нишона кўрсатди. Келгуси йилдан бошлаб ёппасига ҳосилга киради.

— Янги режаларингиз қандай?

— Умидли дунё, ҳали орзуларим кўп. Боғни кенгайтирамиз. Поёнсиз анжирзор, бодомзорлар бунёд этамиз.

...Хўжаликда ҳозир 83 гектар боғ бўлиб, шундан 38 гектари узумзор, 45 гектари мевазорни ташкил этади. Жорий йилда давлатга 2.290 тоннадан знёд узум, мева етказиб берилди. Бу ишда меҳнаткаш, миришкор боғбон Ҳ. Қирғизовнинг муносиб ҳиссаси бор.

А. ХОЛМИРЗАЕВ.

ДЕҲҚОНЧИЛИК-САНОАТ ЯНГИЛИКЛАРИ

ҒАМХЎРЛИК

Пахтаобод районидаги «Коммуна» жамоа хўжалигида 11 минг киши яшайди. Хўжалик бошқарувчилари ва жамоа ташкилотларининг фаоллари ана шу ердаги оилаларни айланиб чиқишди. Натижада қиш фаслида ёқилғига, озиқ-овқат маҳсулотларига муҳтож кишилар аниқланди. Энди уларнинг уйларига кўмир, сабзавот, картошка, буғдой олиб бориб берилмоқда. Жамоа хўжалиги сабзавот маҳсулотларига алмашиш эвазига кўмирни барвақт ғамлаб қўйган эди. Мактаблар ва болалар боғчаларига, ижтимоий-маданий-маиший бинолариа иситишга, уруш ва меҳнат фахрийларининг, байналмилалчи жангчиларнинг, кўп болали оилалар ҳамда ногиронларнинг уйларига ёқилғи ажратилди. Бундан ташқари хўжалик бинокорлари ёлғиз қолган меҳнат фахрийларининг уйларини ремонт қилиб беришди.

Аслида жамоа хўжалиги аъзолари ўзлари ҳақида қайғуришди: пахта ҳом ашёси сотиш, бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш йиллик топшириқларининг муваффақиятли бажарилгани махсус озиқ-овқат жамғармасини вужудга келтириш имконини берди. Жамғарма ёрдамида қиш фаслида пайдо бўладиган кўпгина муаммолар ҳал этилмоқда.

ҚИШЛОҚДА ЭҲМ

Жиззах вилоятининг «Фалаба» давлат хўжалигида ишлаб чиқаришни компьютерлаштириш бошланди. Америкада ишлаб чиқарилган ва 47 минг сўмга сотиб олинган электрон ҳисоблаш машинаси ишга туширилиши билан ҳисобчилар сони ярмига қисқариб кетди. Кейинчалик давлат хўжалиги ишлаб чиқаришининг барча соҳаларида электроникадан фойдаланилади. Бу эса иқтисодий жиҳатдан катта фойда келтиради.

ИБРАТЛИ ТАДБИР

Бухоро вилоятидаги Балиманов номли давлат хўжалиги «Навоий» товар-фонд биржасида брокерлик ўрнини сотиб олди. Хўжалик ўз биржа мутахассисини ўқитиш учун ҳам ҳақ тўлади. Туя жуннини биржада сотиш натижасида пул топилди.

Бу тадбир, шунингдек чорвачилик маҳсулотларининг бир қисмини бозор нархларида сотиш имконияти хўжаликнинг мустақил ва истиқболли ривожланишининг аниқ йўлидир.

МАНФААТДОРЛИК САМАРАСИ

Жиззах вилоятидаги «Уч қаҳрамон» давлат хўжалигининг чорвадорлари чорва қишловини неча йиллардан бери биринчи марта хотиржам ўтказадиган бўлдилар. Пировард натижага асосланган ишлар жамоага фермада тартиб ўрнатишга, рентабелликка эришишга ёрдам берди.

Ишлар бирданига юришиб кетмади: озуқа етишмаслиги, сифати пастлиги сабабли кўрсаткичлар кўнгилдагидек эмасди. Ана ўшанда чорвадорлар ижарачилар билан ем-хашак етказиб бериш тўғрисида шартнома тузишди. Айни вақтда унга ҳақ тўлаш сифатга боғлиқ бўлиб қолди, бу эса ем-хашак етказиб берувчилар масъулиятини оширди. Моллар маҳсулдорлигининг, бинобарин чорвадорлар маошининг ошишига меҳнатни аниқ тақсимлаш, ортиқча бўғинларни қисқартириш кўмаклашди. Масалан, озуқа цехида илгари беш киши ишларди, ҳозир эса атиги икки киши ишни уддаламоқда. Сут соғувчилар, бузоқбоқарлар ҳам камайди, айни вақтда қолган кишиларнинг иш ҳақи кўпайди. Бу тадбирлар ўтган йили 250 минг сўмдан кўпроқ фойда келтирди. Энди эса янада кўпроқ фойда олишни мўлжаллашмоқда. Чунки сут ва гўшт топшириш йиллик топшириғи муддатидан илгари бажарилди.

— Фойданинг бир қисмини ходимларимиз меҳнат ва дам олиш шароитларини яхшилашга сарфлаймиз,—дейди давлат хўжалигининг бош зоотехниги А. Кенгашев. — Дам олиш хонасини жиҳозладик, у ерга буғ билан иситиш қурилмаларини келтирдик. Душхона ҳам бор. Ошхонада бепул овқатланиш ташкил этилди. Дўкон очилди, у ерда ферма ходимлари маҳсулотлар ва бошқа молларни сотиб олишмоқда. Олинган фойдадан ишлаб чиқаришни кенгайтиришда ҳам фойдаланмоқдамиз. Янги бостирмалар қурилди, ҳудудимиз асфальтланди, барча бинолар қишга шай қилиб қўйилди.

БОҒ ВА ТОКЗОР МУАММОСИ

Кейинги йилларда республикамизда боғдорчилик ва узумчиликни ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Бозор иқтисодиёти шароитида аҳолининг мева ва узумга бўлган талабини қондириш боғбону соҳибкорларнинг асосий вазифасидир. Бу ноз-неъматларни етиштириш учун заминимизнинг тупроғи ва иқлим шароити жуда қулай. 1985 йил Ўзбекистондаги мавжуд 114,9 минг гектар боғнинг 62,7 минг гектари ҳосил берган бўлса жорий йилда ушбу кўрсаткичлар 150,1 минг ва 67,7 минг гектарни ташкил қилди. Келгуси йилда боғларни яна 12,8 минг гектарга кўпайтириш мўлжалланмоқда.

Маҳаллий шароитга мос серҳосил олма, нок, шафтоли, беҳи, ёнғоқ, бодом, гилос ва узум навлари етиштирилди. Бошқа республикалардан навлар келтирилиб, маҳаллий иқлимга мослаштирилди. Сўнгги йилларда олма, нок каби меваларнинг барвақт ҳосилга кирадиган вегетатив типлари ўрганилди, уларга пайванд қилиб етиштирилган мева кўчатларининг мақбул тартибларида экиш усуллари жорий этилди ва шунга яраша тавсиянномалар ишлаб чиқилди.

Республикамизда эски боғлар билан биргаликда вегетатив усулда кўпайтириладиган пайвандтагларда етиштирилган кўчатларни экиб, янги, барвақт ҳосилга кирадиган боғлар яратилди. Аммо айрим хўжаликларда тавсияномаларга қарамасдан кўчатлар қалин экилмоқда.

Натижада кўпгина жойларда 4—6 ёшли олма дарахтларини шох-шаббалари қалинлашиб қолган. Бундай вақтда қатор ораларини машиналар ёрдамида ишлаш, касалликка ва зараркунандаларга қарши курашиш, етиштирилган ҳосилни ташиб чиқиш, қатор орасини шудгорлаш, ўғит солиш, суғориш учун ариқ олиш мушкул бўлмоқда. Маълумки, парадизкага пайванд қилинган дарахтлар ўрта ҳисобда 25—30 йил, дусен типидаги ва ўртача ўсувчи вегетативларига кирувчи пайвандлар бўйича кўчат етиштириб, боғ барпо қилинганда 30—35 йил, кучли пайвандтагларда етиштирилган ниҳоллар экилганда камида 40—50 йил умр кўриши керак.

Шу боис янги боғлар барпо этишда кўчатларнинг тури катта аҳамиятга эга. Чунки боғ яратишда қўйилган хатони тузатиш қийин. Бу хўжалик учун қимматга тушади. Ҳозирги пайтда кўпчилик хўжаликларда мевали дарахтлар экиш ойлиги ўтмоқда. Бунда кўчат экишнинг илмий тавсияларига риоя этиш лозим.

Шу билан бирга республикамизнинг айрим ҳудудларида кучли пайвандтагларда ўстирилган олма кўчатлари 8х7, 8х6; нок кўчатлари 8х6, 8х5; беҳи, шафтоли, олча, ширин мевали тоғолча, олхўри кўчатлари 6х4, 5х4 метр; бодом 8х6, 7х5; чилон жийда 6х4, 5х4; ёнғоқнинг пастак навлари 8х6, 7х5 йирик навлари тупроқ таркибига қараб 10х10, 12х12 метр тартибда экиш тавсия этилади. Шундай қилинганда ердан унумли фойдаланилади, экилган кўчатлар тез ўсиб, етилиб, донадор ва сифатли мева беради. Боғларда мўл ва сифатли ҳосил етиштирилиб, ҳар бир гектардан катта даромад олинади.

Ўлкамизда об-ҳаво мўътадил: баҳор серёғин, ёз иссиқ. Ҳаво намлиги ёзда жуда қуруқ, қиш бироз совуқ йиллари қор кам тушиб, қўшлп илиқ кунлар кўп бўлади. Ана шундай қулай паллада мева кўчатларини тайёр қилиб қўйилган ерга экиш мумкин. Бундай пайтда ҳаво ҳарорати 5—10 даража иссиқ бўлса сездир. Айниқса, жанубий ҳудудларда қишнинг илиқ кунларида олма, ўрик, нок, беҳи, олхўри, йирик мевали тоғолча каби кўчатларни экиш мумкин.

Лекин ҳаво 5—7 даража совиса, ниҳолларнинг илдиз тизмаси қаттиқ шикастланади. Қишнинг илиқ кунларида экилган мева кўчатларининг илдиз бўғизи қисман чуқурроқ қилиб экилади ва улар бир томонга қийшайиб кетмаслиги учун танасининг атрофига 15—20 сантиметр баландликда нам тупроқ тортилади. Шунда ниҳоллар ҳолатини яхши сақлайди. Лекин вегетатив пайвандларга олинган олма кўчатлари ҳаддан ташқари чуқур қилиб экилмаслиги лозим. Токи кўчатнинг пайванд қисми ер остида қолиб кетмасин. Чунки ер остида қолган қисмидан патак илдизлар пайдо бўлиши мумкин ва келгусида улар ғовлаб, тарвақайлаб ўсади. Шунинг учун қишки совуқ таъсир қилмасин деган мақсадда кўчатнинг илдиз бўғизи чуқур кўмилган қисми баҳорда очиб қўйилади.

Кўчатлар илдиз бўғизидан баланд қилиб экилмаслиги керак. Чунки унда кўчатларнинг илдиз тизмаси тупроқ қатламларига ёйилиб ўсади. У мевага кирганда ўз шох-шаббасини ва ҳосилини қўтара олмай бир томонга қийшайиб кетиши мумкин. Аниқса, бундай ҳол ер ости суви яқин жойлашган ерларда кўпроқ учрайди. Дарахтлар мўл ҳосил қилган йиллари, мириқтириб берилган сувдан кейин кучсиз шамол таъсирида ҳам улар бир томонга қийшайиб, ётиб қолиш хавфи туғилади.

Янги боғлар барпо қилишда ер танлаш, уни яхшилаб тайёрлаш, боғларни гармсел иссиғи, қишки совуқлардан сақлаш катта аҳамиятга эга. Бунинг учун улар атрофига (18—20 метр нарида) 6—8 қаторли иҳота

(Давоми 2-бетда).

ТУРКИЯ ДИЁРИДАГИ УЧРАШУВ

ТАСС мухбири Валерий Литвиненко 16 декабрь куни Анқарадан хабар қилди: бугун Туркия Президенти Турғут Озалнинг таклифига биноан Президент И. А. Каримов бошчилигидаги Ўзбекистон Республикасининг ҳукумат делегацияси бу ерга расмий ташриф буюрди. Пойтахтнинг Эсенбога аэропортида олий меҳмонни Туркия Президенти Т. Озал, ташқи ишлар вазири Ҳикмет Четин, бошқа расмий кишилар кутиб олди. Туркия, СССР ва Ўзбекистон давлат байроқлари билан безатилган учиш майдонида фахрий қоровул саф тортди.

Ўзбекистон раҳбари тушдан кейин Т. Озал, Бош вазир Сулаймон Демирэл билан музокаралар ўтказади. Туркия билан Ўзбекистон ўртасида икки томонлама сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқаларни мустаҳкамлаш масалалари кўриб чиқилади.

ТАШРИФНИНГ МАҚСАДИ— ИККИ ХАЛҚНИ ЯҚИНЛАШТИРИШ

ТАСС—ЎзТАГ махсус мухбирлари Анқарадан хабар қиладилар.

Президент И. А. Каримов бошчилигидаги Ўзбекистон Республикаси ҳукумат делегацияси Туркия Жумҳуриятига қилган ташрифнинг биринчи куни қизғин ўтди.

Делегация пойтахтдаги Эсенбога аэропортида тантанали кутиб олинди.

«Турк ва ўзбек халқлари ўртасидаги дўстлик алоқалари қадим замонларда бошланган, — деди Туркия Жумҳуриятининг Президенти Турғут Озал Ўзбекистон раҳбарини табриклаб. Ислом Каримов жаноблариниг Туркия Жумҳуриятига биринчи ташрифи турк-ўзбек сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқаларини янада кенгайтиришга кўмаклашади. Туркия қардош ўзбек халқининг барча янги ишларида унга мадад беришга тайёр».

«Дўст Туркияга ташрифимизнинг мақсади умумий тарихий, маданий, диний ва лисоний анъаналарга эга бўлган икки халқни яқинлаштиришдан иборат, деб таъкидлади жавоб нутқида И. А. Каримов. Дўст турк халқининг мадади билан Ўзбекистон иқтисодиётини тез юксалтиришга кўмаклашади. Ўзбекларнинг қалби турк қардошлар учун ҳамиша очиқ».

Тушдан кейин Ўзбекистон раҳбарининг Туркия Президенти Т. Озал, Бош вазири Сулайман Демирэл билан расмий учрашувлари ва музокаралари бошланди. Кун тартибида икки томонлама сиёсий, иқтисодий ва маданий муносабатларни чуқурлаштириш масалалари бор.

Президент И. А. Каримов бошчилигидаги Ўзбекистон ҳукумат делегацияси ташрифининг режасида Туркиянинг саноат ва маданият марказлари — Измир ва Истанбул шаҳарларига бориш, турк савдо-саноат доираларининг, мамлакатдаги ўзбеклар жамоасининг вакиллари билан учрашувлар кўзда тутилган.

Делегация Ота Туркнинг ёдгорлик музейи ва мақбарасини зиёрат қилди. И. А. Каримов Туркия Республикаси асосчисининг дахмаси ёнига гулчамбар қўйди ва ҳурматли меҳмонлар дафтарига ўз фикрини ёзди.

Шундан кейин Ўзбекистон Республикасининг Президенти Туркия Бош вазири С. Демирэл билан учрашди. Уни Туркия ҳукуматининг бошлиғи лавозимига сайланганлиги билан ўз номидан ва Ўзбек халқи номидан табриклаб, Ўзбекистон Президенти ушбу ташриф ва ташриф якунида имзоланадиган икки томонлама ҳужжатлар муштарак маданият, дин ва тил туфайли бирлашган иккала мамлакат ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга кўмаклашади, деб ишонч билдирди. Ўзбекистон раҳбари Туркияда иқтисодиётни ривожлантиришдаги катта муваффақиятларни таъкидлаб, бу мамлакат босиб ўтган йўл Ўзбекистон учун намунадир, деди. «Биз бу тажрибадан фойдаланишни ва келгусида турк халқи билан қўлни қўлга бериб, елкама-елка туриб ҳамкорлик қилиш йўлидан боришни хоҳлаймиз», — деди у.

«Мен қардош Ўзбекистон Жумҳуриятининг Президентини Туркия диёрида табриклаб кутиб олаётганимдан бахтиёрман, — деди ўз навбатида С. Демирэл. — Туркия ўзбек халқининг тўла давлат мустақиллигига эришиш муддаоси рўёбга чиқишида унга ҳар томонлама мадад беради».

И. А. Каримов С. Демирэлга ўзбек чеварлари тикқан тўн кийгазди, шунингдек Туркия ҳукумати бошлиғининг сурати тасвирланган гулдонни тақдим этди.

Суҳбатнинг расмий қисми вақтида Туркия—Ўзбекистон муносабатларининг ҳолати ва уларни ривожлантириш истиқболлари муҳокама қилинди.

ПРЕЗИДЕНТ БИЛАН СУҲБАТ

АНҚАРА, 17 декабрь. **(ТАСС—ЎзТАГ махсус мухбирлари).** Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов Туркия Жумҳуриятининг Президенти Т. Озал билан унинг қароргоҳида учрашди. Туркия — Ўзбекистон муносабатларининг ҳолати ва уларни ривожлантириш истиқболлари муҳокама қилинди. Иккала мамлакат ўртасидаги иқтисодий алоқаларни кенгайтириш учун, қардош халқларни яқинлаштириш мақсадида телеалоқалар тизимини ривожлантириш учун куч-ғайрат сарфлаш зарур, деб топилди.

Президентлар бир-бирларига совғалар топширишди.

Туркия Президенти Ўзбекистон Республикасининг Президенти шарафига зиёфат берди.

ОРОЛНИ ҚУТҚАРИШ ЙЎЛИДА

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 46-сессиясида Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Ш. Н. Маҳмудованинг Орол денгизини қутқариш мақсадида халқаро ҳамкорлик масалаларига доир хатининг матни расмий ҳужжат сифатида тарқатилди. Бу хат инглиз, француз, испан, араб ва хитой тилларида битилган.

Мазкур мактуб ноябрь ойининг бошларида республика Ташқи ишлар вазирлиги делегацияси Нью-Йоркда бўлган вақтида БМТ бош котибига берилган эди.

Орол муаммосини ҳал этиш юзасидан хатда баён этилган ёндашувлар БМТ бир қанча ташкилотлари ва муассасалари раҳбарияти билан Женева, Париж ва Найробида ўтказиладиган маслаҳатлашувларда асос бўлади. Бу ерда гап ЮНЕП, жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, ЮНЕСКО сингари ташкилотлар ҳақида бораяпти. 1992 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва ривожланишга бағишланган конференциясида Орол бўйидаги экологик муҳити ва қуриб бораётган денгизни қутқаришга доир тадбирлар тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш режалаштирилган.

(ЎзТАГ).

29 декабрь–Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови ва Ўзбекистон Республикаси референдумини ўтказиш куни

ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАЙМИЗ

Биз Ургут район «Москва» колхозида ташкил этилган «Дўстлик» деҳқон хўжалиги аъзолари республиканинг бугунги Президенти Ислом Каримов номзодини 29 декабрдаги сайловда қўллаб-қувватлашга, аҳд қилдик. Бу бежиз эмас. Ўзбекистон ҳудудида, айниқса, қишлоқларимизда илгари қанчадан-қанча мева-чевалар чириб нобуд бўларди. Хўжаликлардан йиғиштириб олинган маҳсулотлар қайта ишлаш корхоналари остоналарида ҳафталаб навбат кутиб қолганига гувоҳ бўлганмиз. Бир сўз билан айтганда, ўша йилларда деҳқон меҳнати қадр топмасди. Бугун-чи?

Республика раҳбариятининг тўғри ва одил снёсати туфайли Ўзбекистонда ишбилармонлар фаолиятига кенг йўл очилди. Деҳқон меҳнатининг маҳсулоти секин-аста юзага чиқаётир. Шунга қарамай республикада кўпгина қусурларга қарши жиддий кураш олиб бориш керак, деб ўйлайман. Кимки, ривожланишга, тараққиётга қарши чиқаётган бўлса, улар миллатнинг дўсти саналмаслиги керак. Биз бугун эртанги кунимиз ҳақида жиддийроқ ўйлашимиз, ўтмишдан тўғри хулоса чиқаришимиз шарт. Бир мисол.

Бугун Ургутда оқ тошдан ҳашаматли, бир-бирини такрорламас шарқона иморатлар тикланаётир. Уларни кўриб дилинг яйрайди. Илгари ана шу хом ашёга эътиборсизлик билан қарадик. Қайта қуриш ва ошкоралик туфайли районимизда ҳам бир қатор ижобий ишлар амалга оширилаётир. Бу район раҳбарияти, депутатларининг халқ билан ҳамнафас яшаётганларидан далолат беради. Хўш, буларни нима учун тилга олаяпман. Сабаби, республика Президентлигига номзод И. А. Каримов бугун жойларда кимлар раҳбарлик қилиши мумкинлигини, уларни танлай билишни маҳаллий аҳоли эътиборидан келиб чиққан ҳолда ҳал этмоқда. Бу раҳбар ходимлар билан оддий фуқаролар ўртасидаги муносабатни самимийлаштираётир. Ишлаш учун қулай вазият туғдирмоқда.

Ўзбек халқи азалдан меҳнатга кўниккан. Аммо у узоқ йиллар мобайнида арзимаган ҳақ учун кунни тунга улади. Оила, бола-чақа ғамида кун кечирди. Бугун эса у ўзгача ҳаёт тарзига кириб бормоқда. Эркинликни, том маънодаги мустақилликни ҳис этаётир. Президент фармонидан сўнг у ер олишга муваффақ бўлди. Уй, иморат қуриш учун шахсий томорқасига эгалик қила бошлади. Булар ана шу заҳматкашни бозор иқтисодиёти шароитида асраб қолувчи асосий омилга айланди, десам муболаға бўлмайди. Ана шуларни ҳисобга олиб биз юқорида тилга олинган ижобий ишларга бошчилик қилган, уларни амалга ошираётган бугунги Президентга раҳматлар айтгимиз келади. 29 декабрь куни унинг учун овоз беришга аҳд қилганимизнинг боиси ана шундан.

М. ПАРДАЕВ,
Ургут районидаги «Дўстлик» фермер хўжалиги раиси.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «БИЛИМ» ЖАМИЯТИ ТАЪСИС СЪЕЗДИ ҚАТНАШЧИЛАРИНИНГ БАРЧА ОЛИМЛАРГА, ИЛМИЙ БИЛИМЛАР ВА МИЛЛИЙ БОЙЛИГИМИЗНИНГ БАРЧА ТАРҒИБОТЧИЛАРИГА

МУРОЖААТИ

Ҳурматли ҳамкасблар, қадрли фан ва маориф арбоблари!

Биз, Ўзбекистон Республикаси «Билим» жамияти таъсис съездининг қатнашчилари бугун Ўзбекистон халқи бошидан кечираётган жуда мураккаб ва масъулиятли даврда сизга мурожаат қилаяпмиз.

Бу йил республикамиз мустақилликка эришди. Ўзбекистон истиқлол давлатга айланди. У мустақил равишда халқ томонидан маъқулланган ички ва ташқи сиёсатни амалга ошираяпти, чунки у халқнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилади. Республикамиз чуқур иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва маданий ўзгаришлар даврига кирди, ўлкамизда ҳуқуқий давлат шаклланмоқда.

Биз фан ва маориф соҳасининг барча тарғиботчиларини, «Билим» жамиятининг аъзоларини 29 декабрь куни ўтказиладиган референдумда фаол қатнашиб, республика мустақиллиги учун, унинг гуллаб-яшнаши ва бахтли истиқболи учун овоз беришга чақирамиз.

Ўзбекистонда изчил амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари Ислом Абдуғаниевич Каримов фаолияти билан бевосита боғлиқ эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Бундай қийин ва мушкул шароитда И. А. Каримов ўзини халққа таянадиган ва унга ғамхўрлик қиладиган, халқнинг орзу-умидларини рўёбга чиқариш учун интилаётган оқил ва босиқ сиёсатчи эканлигини кўрсатди.

Республикамиз ва унда яшаётган барча кишилар тақдири ҳал этилаётган бу мураккаб даврда Президент иқтисодий тараққиётга, ижтимоий жараёнларга комил ишонч билан раҳбарлик қилмоқда. У ўзининг ишбилармонлиги ва ғайрати, талабчанлиги ва катта ташкилотчилик қобилияти билан республика манфаатларига содиқлигидан хизмат қилмоқда. У олиб бораётган ана шу ишларда фаол қатнашиш, рўй бераётган ўзгаришларнинг, Ўзбекистон раҳбарияти собитқадамлик билан қилаётган ҳатти-ҳаракатларнинг чин моҳиятини халққа, ҳар бир фуқарога тушунтириш бизнинг бурчимиздир.

Қадрли дўстлар! Ўзбекистон Республикаси «Билим» жамиятининг барча аъзолари номидан ўлкамиз гуллаб-яшнашининг, фуқароларимиз тинчлиги ва тотувлиги, фаровонлиги ва роҳат-фароғати барча тарафдорларини бўлажак президент сайловида И. А. Каримов учун якдиллик билан овоз беришга чақирамиз.

Сиз ўз билимингиз, тажрибангиз ва меҳнатингиз билан республикамиз мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлида, унинг гуллаб-яшнаши йўлида Ўзбекистон халқига садоқатли хизмат қилингиз!

САЙЛОВЧИЛАР ҲУЗУРИДА

Қарши шаҳридаги «Ўзбекнефтегазгеология» бирлашмасининг мажлислар залида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Муҳаммад Солиҳ (С. Мадаминов)нинг сайловчилар билан учрашуви бўлди.

Ишончли вакил ёзувчи Евгений Березиков ҳозир бўлган кишиларни «ЭРК» демократик партиясидан президентликка кўрсатилган номзоднинг таржимаи ҳоли билан таништирди.

Шундан кейин сўзга чиққан Муҳаммад Солиҳ Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига ўз номзодини қандай мулоҳазалар билан кўрсатишга жазм қилгани ҳақида гапирди, ўз дастурини батафсил баён этиб берди. Жумладан, у «ЭРК» партияси ўз олдига Ўзбекистонни маърифатли мамлакатга айлантириш вазифасини қўяётганини, республиканинг тўла мустақиллигига, унинг халқаро ҳуқуқ субъекти сифатида тан олинишига ва БМТ аъзолигига қабул этилишига ҳаракат қилажагини таъкидлади.

«ЭРК» демократик партияси бозор муносабатларини ривожлантириш учун, мулкчиликнинг барча шаклари тўла тенглиги учун, ҳусусий ишбилармонлик йўлидаги ҳамма тўсиқлар олиб ташланиши учун ҳаракат қилади, деди у.

Номзод шаънига таңқидий мулоҳазалар ҳам айтилди. Чунончи, пенсионер Р. Қодиралиевнинг таъкидлашича, М. Солиҳ бошқарув тажрибасига эга бўлмай туриб, Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига ўз номзодини қандай асосда кўрсатгани, унинг дастурини амалга ошириш бир неча ўн йилга мўлжалланган, ҳолбуки президентлик муддати беш йилдан ошмайди.

М. Солиҳ йиғилиш қатнашчиларининг саволларига жавоб қайтарди.

(ЎзТАГ).

(Бошн 1-бетда).

БОҒ ВА ТОКЗОР МУАММОСИ

дарахтлари барпо этиш керак. Лекин кўпчилик жамоаларда бунга амал қилинмайди. Натижада бир томонга қийшайиб ўсган дарахтлар қатор орасини ишлашда қийинчилик туғдирса, иккинчидан етиштирилаётган ҳосилнинг кўпчилик қисми шамолда ерга тўкилиб, нес-нобуд бўлади. Боғ ва токзор атрофида иҳотазорлар барпо қилишда жийда, тоғолча, ёнғоқ, терак кўчатларидан фойдаланган маъқул.

Ер ости суви юзага яқин жойлашган, тупроқ қатламларида ортиқча тузлар бўлган, тошлоқ, қумлоқ ерларда ва тоғ қияликларида боғ барпо қилиш учун бир қанча қўшимча технологик тадбирларни ўтказиш лозим. Масалан, тоғ қияликларида куз, қиш ва баҳор фаслларида ҳаводан тушадиган намни сақлаб қолиш учун ер кўндалангига 40—50 сантиметр чуқурликда лентасимон қилиб ҳайдалади. Ер ости суви шўр бўлиб, юзага яқин жойлашган жойларда ёпиқ ва очиқ зовурлар қазилиб, коллекторлар барпо этилади. Баланд бўйли боғлар учун ер ости сувининг чуқурлиги 2,5—3 метр, паст бўйлилари учун 1,5—2 метр бўлиши керак. Шунда мева ва ток тупларининг илдиз тизмаси бақувват шаклланади. Ер ости сувининг баланд ёки паст жойлашганлиги куз фаслида белгиланади. Бу пайтда ер ости суви энг пастга тушади. Баҳорда эса ёмғир суви ҳисобига ер ости суви юзага кўтарилади.

Тупроқ қатламидаги зарарли тузларни энг яхши ювадиган пайт октябрь—ноябрь ойлари ҳисобланади. Қишда, ер музламаган даврда ҳам бу ишни давом эттириш мумкин. Енгил тупроқли ерда эса шўр ювишни баҳор фаслида ҳам ўтказса бўлади. Боғ ва токзор барпо этиладиган қўриқ тупроқ қатламларида хлор миқдори 0,02 фоиздан ошмаслиги керак. Тузларни ювишда юқорида айтилган талабларга тўлиқ риоя қилиш лозим. Ортиқча тузлар ювилиб бўлгандан кейин ер қатламидан озуқа моддалар ҳам қисман ювилиб кетади. Тупроқ етилгандан кейин ерни керакли озуқа моддалар билан бойитиш учун унга ҳайдашдан олдин органоминерал ўғитларни солинади. Тошлоқ ерда олмазор учун қаттиқ қават 80 сантиметр чуқурликда бўлгани яхши. Ундан баландроқ жойлашган қаттиқ қаватли ерда данакли мевали кўчатлар, анор ва анжир, ток ниҳолларини ўстириш маъқул.

Тошлоқ, қумлоқ тупроқ қатламларини озуқа моддалар билан бойитиш учун гектарига 40—60 тонна органик ўғит солинади.

Ер лойқа сув билан суғорилса тупроқ бойийди. Боғ ва токзорлар учун қулай ҳисобланган бўз тупроқларга ҳам гектарига 40 тоннадан органик ўғитларга 100—200 килограммдан калий ва фосфор омихта қилиниб, ерларга солиниб, 50 сантиметргача чуқурликда ҳайдалади. 1,5—2 ойдан кейин кўчатлар экилса, илдизларга тупроқ зарраларини яхши ёпишади, кўчат нам ва озуқа моддалар тўла таъминланади, тез ривожланади ва сўрхил новдалар беради.

Маълумки, кўпчилик боғ ва токзорлар етарли сув билан таъминланмаган. Шу боис боғ ва токзорларда қиш фаслида нам тўплаш катта аҳамиятга эга.

Кўп йиллик олиб борилган илмий-тадқиқотлар кўрсатишича, қиш фаслида (декабрь ойидан то мартгача бўлган муддатда) мевазор ва токзорларга 2—3 маротоба (яхоб) сув бериш ҳосилдорликни оширишда катта аҳамиятга эга.

Қишки қовус сувидан аввал боғ ва токзорлар қатор ораси чуқур ҳайдалиб, органик-минерал ўғитлар солиб шудгор қилинса, мақсадга мувофиқ бўлади. Қишки яхоб — қовус суви ҳосилдор бир гектар боғ ва токзорга 1,5—2 минг кубометр ҳисобида берилади. Бу тадбир айрим зараркунанда ҳашаротларга қирон келтиради, бегона ўтлар ва уларнинг уруғлари ҳам кескин камаяди. Қовус суви баҳор кунларининг исиши билан куртакларнинг ёппасига бўртишига, новдаларнинг барқ уриб ўсишига, меваларнинг гуллашига, мўл ҳосил етилишига катта таъсир кўрсатади. Илк марта берилган қовус суви ўсиш даврида бериладиган сув ўрнини босади. Яна у ер қатламини кучли музлашдан сақлайди, ортиқча тузлардан тозалайди.

Қиш фаслида ўтказиладиган ишлардан бири — мевазорларда қуриб қолган, касалланган, ҳосилдан қолган айрим дарахтларни кундаков қилиб, олиб ташлаш ва уларни боғлардан чиқариб, янги кўчатлар билан тўлдиришдир. Янги экилган кўчатларга баҳорда шакл бериб, илдиз бўғизидан ўсиб чиққан барча новдаларини чўғиртак қолдирмасдан кесиб ташланади.

Катта майдондаги мева дарахтларини баҳор фаслида кесиб улгуриш қийин. Шунинг учун совуққа чидамли катта ёшдаги олма, нок, беҳи шохларини кесишни қишнинг илиқ кунларида ўтказган маъқул. Маълумки, ҳар йили буталган дарахт шохларини кесиш осон, бир неча йил қўл тегмаганларининг шох-шаббалари қалинлашиб кетади. Одатда дарахт шохларини 2—3 йилда бир марта каллаклаш ва ҳар йили буташ ўтказилади. Биринчисида синган, касалланган ва зарур бўлган шохлар сийраклаштирилади, ҳаддан ташқари ўсиб кетган бир йиллик новдаларнинг учдан бир қисми ёки 50 фоизи олиб ташланади. Мукаммал кесишда эса дарахтлардаги ортиқча шохлар, навдалар бутунлай олиб ташланади, зарур бўлганлари фақат қисқартирилади.

Совуққа чидамсиз бўлган шафтоли, гилос, хурмо каби дарахтлар ва ёш кўчатларни кесишни фақат эрта баҳорда ўтказган маъқул.

Аҳолини йил давомида мева ва узум билан таъминлаш мақсадида ниҳолларни эртаги, ўртаги ва кечки пишар қилиб экиш керак. Эрта пишар олма, нок ва узум навларини умумий майдонга нисбатан 10—15 фоиз, ўртаги навларини 15—20 фоиз, кечки навларини эса 70—75 фоиз миқдорида экиш лозим. Шундай қилганда май ойидан то ноябрь ойигача ҳўл мева ва узумни бевосита пайкалдан узиб истеъмол қилиш мумкин. Сентябрь-октябрь ойларида етиштирилган кечки ҳосилни махсус биноларда келгуси йил апрель-май ойларигача сақлаш мумкин. Шунда аҳолини йил бўйи мева ва узум билан таъминлаш имконияти туғилади. Янги боғ ва токзорлар барпо қилишда юқоридаги тадбирларга катта эътибор берилса фойдалидир. Бундан жамоа ва давлат хўжаликлари билан бир қаторда шахсий томорқалар, дала ҳовли эгалари ва бошқалар наф кўрар, деган умиддамиз.

Ҳ. ХОЛИҚОВ,
Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги мева-сабзавот тармоқларини муттасил ривожлантириш бош бошқармаси бошлиғи, қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди.

М. СОБИРОВ,
Шредер номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг бўлим мудири, қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди.

Мусаввиримиз М. ЖЎРАЕВ чизган ушбу расмда бригада саркори Улош ака Рўзибоев тасвирланган.

ҚИЙҚИМ МАЙИЗИ— САРА МАЙИЗ

Соҳибкорлар юрти —Қийқимда тўй бўлди. Мутахассис Умрзоқнинг, шофёр Усмоннинг, ишчи Зикрияхоннинг... Свердлов номли давлат хўжалигида кўп йиллар самарали меҳнат қилган, эндиликда уй бекаси Бувчирой опа Бадирова эса ўзининг қутлуғ пайғамбар ёшини нишонлади. Айни вақтда Қўшработ районидаги Қийқим қишлоғида тўй устига тўй! Шу тўй давраларида қишлоқ оқсоқоли, мева-узумчилик бригадаси жамоаси саркори Улош ака Рўзибоев, меҳнат фахрийлари Элибой ака Камолов, Мели ака Синдоров, қолаверса хўжалик директори Толлибой Отаев, бўлим бошқарувчиси Абдумажид Нарзуллаев ва бошқалар бош-қош.

Яқинда биз шу тўй давраларининг бирида — меҳнат фахрийси Нуриддин ака Бадиров хонадонида қадрдонимиз Улош ака Рўзибоев билан суҳбатда бўлдик.

— Ростини айтсам, —деди у, — бу йил соҳибкорлар учун ғоят оғир йил бўлди. Кўклам серёғин келди. Бу эса биз соҳибкорларнинг режаларни ошиғи билан адо этишига унчалик имкон бермади. Токлар бирмунча ғовлаб кетди. Ҳосил кеч пишди. Шунда ҳам биз бўш келмадик. Мавжуд 61 гектар токзорларимиздаги ҳосилни тўла шарбатга киргизиб, йиғиб олдик. Бу йил узумнинг ширадорлиги юқори бўлди. Биз шундан ютдик. Кузнинг шарофати ана шу имкониятни берди. Жамоамиздаги 72 та оилавий звеноннинг аксарият қисми совхозимизнинг бу йилги 365 тонналик майиз ҳиромонига муносиб улуш қўшди. Эл дастурхонига мўл-кўл Қийқим қора майизи етказиб берилди.

Дарҳақиқат. Қийқим майизи — сара неъмат ўзининг аъло навлилиги билан довруғ таратган. Кўп ҳолларда тўй ва маъраka дастурхонларини ҳам сархил неъматлар қаторида безаётган Қийқимнинг қора майизидир.

Улош ака Рўзибоев саркорлик қилаётган бригада жамоаси кузги тадбирларни уюшқоқлик билан ўтказишди. Токзорлар бир сидра шудгорланиб, сифатли кўмилди. Айниқса, бу долзарб юмуш Карима Рўзибоева, Нурсалат Гадоева, Омон Раҳимов, Тўйчи Эргашев, Гулчеҳра Нарзуллаева, Расул Жуманов, Тожи Синдорова ва бошқа оилавий звеноларда ўз вақтида ва сифатли адо этилди. Айни вақтда токзорларга яхоб суви бериш, озиқлантириш қизғин олиб борилмоқда. Бу билан келгуси йилнинг мўл ҳосили учун пухта замин яратилмоқда. Улош ака суҳбат чоғида ана шуларни мамнуниятлик билан қайд этди.

Қийқимлик соҳибкорлар йил бўйи фидокорона тер тўкишди. Жорий йилни нуфузли кўрсаткичлар билан якунлашди. Фидокорона меҳнат якуни эса тўйларга уланмоқда. Улош ака ана шулардан хурсанд!..

12 фарзандининг отаси, Оқтепа қишлоқ Кенгашининг депутати Улош ака Рўзибоев қишда ҳам белидан меҳнат белбоғини ечгани йўқ. У гоҳ токзор оралайди, гоҳ муаммоларни ҳал этишга шошилади. Бугунги тўйларда эса унинг муносиб ўрни бор.

А. ТУРДИЕВ,
«Қишлоқ ҳақиқати» мухбири.

ОЛАМДА НИМАГАН

«КАШПИРОВСКИЙ»ЛАР КЎПАЙМОҚДА

ВАРШАВА. (ТАСС мухбири Владас Бурбулис). «Парчаланиб кетаётган Совет Иттифоқидан янги «кашпировскийларнинг» Польшага чинакам бостириб келиши» — «Курьер польский» газетаси шанба сонида эълон қилинган мақоласига ана шундай сарлавҳа қўйган. Ўзингиз ўйлаб кўринг: Польшанинг Пшемисл шаҳрида шу ҳафта давомида Львовдан келган 14 нафар биоэнерготерапевт сеанс берди. Москва, Санкт-Петербург, Харьков ва Украинанинг бошқа шаҳарларидаги «кашпировскийлар»дан тузилган терма команда — жами 30 киши 15 кундан буён Польша пойтахти аҳолисини «даволамоқда».

Шуниси қизиқки, деб ёзади газета, совет биоэнерготерапевтларининг республикамизга келишини Польша тиббий муассасалари эмас, балки... хусусий тижорат ва савдо фирмалари ёки кооперативлари уюштирган. Бу ерда гап бизнес ҳақида бораётганлиги, пинҳона иқтисодиётдаги польшалик корчалонлар ҳам, совет «кашпировскийлари» ҳам пул ишлашга ҳаракат қилаётганликлари тушунарлидир.

Ҳозирги пайтда Польшадаги ҳар бир воевода марказида ошкора (икки ой муддатга) ёки асосан яширин равишда совет биоэнерготерапевтлари шифокорлик қилишмоқда, бу эса маҳаллий шифокорларнинг норозилигига сабаб бўлмоқда. Ҳозир республикада бундай «кашпировскийлар» 500 тадан ортиб кетди.

Айтмоқчи, Анатолий Кашпировскийнинг ўзи Польшада катта шуҳрат қозонган. Бу ерга у тез-тез келиб туради, унинг сеансларида зал одамларга тўлиб кетади.

ИРОҚЛИК БЕВАЛАР

ЛОНДОН. (ТАСС). Ҳозир Ироқда ҳалок бўлган ҳарбийларнинг бевараларига талабгор куёвлар кўпайиб кетди. Рейтер ахборот бошқармасининг Бағдоддан хабар қилишича, сўнгги бир неча ҳафта ичидагина минглаб ёш йигитлар 1980—88 йилларда Эрон-Ироқ уруши даврида ва Форс кўрфазидаги танглик чоғида ҳалок бўлган аскарлар ва зобитларнинг бевалари билан ўз тақдирларини боғладилар. Бундай никоҳлар кўп ҳолларда муайян мақсадни кўзда тутади — эркаклар ҳарбий хизматчиларнинг бевараларига давлат томонидан берилади-ган 7 минг динор (21 минг доллар) миқдоридаги нафақадан янги рафиқалари ёрдамида баҳраманд бўлишни орзу қиладилар.

Бироқ никоҳ бекор қилинган тақдирда ана шу маблағ қайтариб берилиши керак. Рейтер ахборот бошқармаси ҳозирги вақтда мамлакатда Ироқ сўнгги йилларда бошлаган икки урушда эридан ажраган ўн минглаб ёлғиз аёллар борлигини таъкидлайди.

СОХТА ПУЛЛАР

БЕРЛИН. **(ТАСС мухбири Вячеслав Катяев).** Бундан бир неча кун олдин Берлинда муомалага қиймати 1000 маркали сохта пул чиққанлиги аниқланган эди. Полиция жума куни бошқа сохта қоғоз пуллар, жумладан қиймати 100 маркали пуллар чиққанлигини ҳам аниқлади. Айтоқчилар шаҳарнинг турли районларида мол харид қилиш эвазига сохта пул бераётган саккиз нафар поляк сайёҳларини ушладилар. Тергов вақтида улар бу сохта пулларни туркларлан уларга сотилган сигарет эвазига олганликларини айтишди. Берлинда чайқов бозори авж олган, унда сигаретларни магазинлардагига нисбатан анча арзон сотиб олиш мумкин. Бу бозордаги асосий «сотувчилар» вьетнамликлардир, лекин бошқа миллатга мансуб ишбилармонлар ҳам учраб туради.

Экспертларнинг айтишларича, муомалага чиқарилган минг маркалик сохта пулларни ажратиш қийин. Чунки улар чинакам пулдан моҳирлик билан кўчирилган рангли фото нусхадир. Бу сохта пулларда ҳатто сув белгилари ҳам сақланиб қолган. Мутахассислар 1000 ва 100 маркали сохта пуллар турли «яширин устахона»ларда тайёрланган, деган хулосага келдилар.

СЎНГГИ СОАТДА

ПЕКИН. Совет Иттифоқида рўй бераётган ўзгаришларни бошқа йирик давлатлар каби Хитой ҳам кузатиб турибди, бироқ ўз мустақиллигини эълон қилган республикалар билан муносабатларни ривожлантириш замон талабларига мос бўлиб тушади. Синьхуа агентлигининг хабар қилишича, ХХР давлат Кенгашининг Бош вазири Ли Пэн Ҳиндистонга қилган ташрифи якунлари юзасидан журналистлар билан бўлган суҳбатда шу гапни айтди. Қўшни мамлакатларнинг халқлари ўртасидаги яхши қўшничилик муносабатлари ва анъанавий дўстлик бундан буён ҳам мустаҳкамланаверади, деб ишонч билдирди у. «Биз ҳозирги қийинчиликларни бошдан кечираётган совет кишиларига хайрихоҳлик билан қарайми-миз», деди Ли Пэн. ХХР бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмасликдан иборат ўзгармас сиёсатга амал қилаверади, деб таъкидлади Хитой раҳбари.

●

ВАШИНГТОН. Биз Москва ва республикаларга инсонпарварлик ва тиббий ёрдам кўрсатиш учун имкони бўлган ҳамма ишларни қилаяпмиз, деди АҚШ Президенти Жорж Буш якшанба куни журналистлар билан ўтказган қисқача учрашувида. АП ахборот бошқармасининг хабар қилишича, «Президент Қўшма Штатлар Россиянинг ва янги ҳамдўстликка қўшилган бошқа республикаларнинг давлат мустақиллигини тан олишга ҳали ҳам эҳтиёткорлик билан ёндашаётганини айтди». «Биз вазиятнинг ривожланишини синчиклаб кузатиб турибмиз ва қарорлар қабул қилиш пайти келганида бу ҳақда ошкора гапирамиз, — деди Ж. Буш. — Биз республикаларнинг раҳбарларини мазкур республикаларнинг пешволари деб тан олдик ва шу мақомга биноан улар билан муносабатларни ривожлантираверамиз».

●

ПАРИЖ. Франция Президенти Франсуа Миттеран ТФ-1 телекомпанияси орқали сўзлаган нутқида СССРдаги аҳволга тўхталиб, мустақил давлатларнинг ҳамдўстлиги ташкил этилгани— «муҳим, қизиқарли» ҳодиса-дир, бироқ «Биз мазкур федерацияни... ёки, ҳатто собиқ совет республикаларининг конфедерациясини тотувликка келтира оладиган олий ҳокимият қандай бўлишини ҳозирча билмай турибмиз», — деб айтди. Унинг фикрича, ҳозир собиқ СССРда ҳокимият тизими қайта қурилмоқда, шу жараён давомида Президент М. Горбачев «мутлақ ҳокимиятнинг мероси» бўлишдек оғир вазифани ўз зиммасига олди, аммо у собиқ империя халқларини озод қилиш ишида мардлик кўрсатди.

* * *

ҚОҲИРА. Саудия Арабистонининг Жидда шаҳри билан Мисрнинг Сувайш шаҳри ўртасида қатнаб турган Мисрнинг «Салим экспресс» теплоходи яқшанба куни эрталаб Қизил денгизда Миср соҳилидаги Софага шаҳри яқинида ҳалокатга учради. Сўнгги маълумотларга қараганда, фалокат вақтида теплоход ичида 649 йўловчи ва кеманинг 70 хизматчиси бор эди. Қоронғи тушгунча мисрлик қутқарувчилар 118 кишини сувдан олиб чиқиб, касалхонага жўнатишга улгурдилар. Текшириб кўрилмаган маълумотларга қараганда яна 60 га яқин киши ҳарбий вертолётларда қутқарилиб, армия қисмларига олиб борилган. Бу хабарлар текширилмоқда. Қутқарув ишлари давом этмоқда.

ТАСС).

Ярашиш учун қилинган уринишларга қарамай, Югославияда ҳарбий ҳолат давом этяпти. Қочоқлар сони кундан-кунга кўпайиб бормоқда. Кўплар қўшни Венгриядан ўзларига паноҳ топмоқдалар. Сўнгги маълумотларга қараганда улар сони ҳозирда 40 мингдан ошиб кетди. Чегарадан ўтаётганларнинг кўпчилиги аёллар ва болалар ҳамда кексалардан иборат.

СУРАТДА: қочоқлар лагерида.

ТАСС сурати.

АГРОСАНОАТ МАЖМУИ ВА КОМПЬЮТЕР

Давлат суверенитети мустаҳкамланаётган, бозор иқтисоди муаммоларини ечиш йўлида аниқ тадбирлар изчил амалга оширилаётган мустақил республикамизда агросаноат мажмуини саноат асосига кўчириш муҳим вазифалардан биридир. Мақсадга эришиш учун илмий-техника тараққиёти имкониятларидан унумли фойдаланиш, унинг тармоқ муносабатларини такомиллаштириш, озиқ-овқат муаммоларини ҳал этишдаги таъсирини кучайтириш лозим. Агросаноат мажмуида ахборот ва иқтисодий математик моделлаштириш ролини ошириш бошқарувнинг маъмурий буйруқбозлик усулидан иқтисодий усулига тўла ўтишнинг энг ишончли йўлидир.

Хўш, тармоққа ҳисоблаш техникаси, ахборот технологияси, иқтисодий моделлаштиришни кенг жорий этиш учун нима қилмоқ керак?

Долзарб саволга кўп йилдан буён ушбу муаммолар устида самарали изланиш олиб бораётган олим жавоб беради.

Кўп йиллик изланишлар хулосасига асосланиб аниқ айтиш мумкин: ахборот билан таъминлашни яхшиламай, ишлаб чиқарувчилар билан истеъмолчиларнинг унга бўлган талабини тўла қондирмай туриб агросаноат комплексини жадал ривожлантириб бўлмайди. Бу кўпроқ деҳқончилик, қайта ишлаш саноати корхоналари ҳамда сув хўжалигига тааллуқлидир. Бироқ ишлаб чиқариш ва ижтимоий жараёнларни бошқариш хусусида етарли билим ва тажрибанинг йўқлиги оқибатида айрим минтақаларда қишлоқ хўжалигидаги ўзига хос томонлар, тармоқ имкониятлари, уни жадал ривожлантириш омиллари тўла ҳисобга олинмаяпти. Оқибат натижада ҳамон катта хажмда исрофгарчиликка йўл қўйилмоқда.

Ахборотлар оқимидан унумли фойдаланиш туфайлигина молларни илмий асосдаги самарали усулда боқиш, наслчилик ишларини намунали йўлга қўйиш, пировард натижада юқори маҳсулдорликка эришиш мумкин. Электрон ҳисоблаш машиналарининг беқиёс имкониятлари ўсимликчиликнинг ривожланиши, технологиядаги сифат ўзгаришлари, колхоз ва совхозлар, пудратчи жамоалар, ижарачиликнинг ўзига хос томонларига оид кенг қўламдаги иқтисодий ахборотларни узлуксиз ишлаш имконини беради.

Шунингдек улар ёрдамида меҳнат ресурсларидан фойдаланиш муаммолари, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ихтисослаштириш ва концентрациялашнинг чуқурлашуви масалалари текширилади. Халқаро тажриба шуни кўрсатмоқдаки, агросаноат интеграцияси жараёнларини компьютерлаштириш бозор иқтисодиёти шароитида янада муҳим аҳамият касб этади. Ҳозиргидек мураккаб шароитда шахсий ҳисобдан товар ишлаб чиқарувчилар сони кўпаймоқда. Улар бозорга келаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг тури, нархи, уларга харидорларнинг талаби қандай эканлиги хусусидаги ахборотларни таҳлил қилмай туриб ташаббус, ишбилармонлик кўрсатолмайдилар. Демакки, кутилган даромадни олишолмайди.

Ахборотлаштириш фаолияти мамлакат ҳудудий бозорларини ривожлантиришнинг барча жараёнларини, халқаро иқтисодий алоқаларни, кўп сонли биржалар, банклар, суғурта фирмалари, нархларнинг ўзгариши кабиларни ўз ичига олади. Буларсиз бозор муносабатларини ўрнатиш мумкин эмас. Ҳозирги кунда компьютерлар барча ерда қўлланилмоқда. Жумладан ҳисоблаш техникаси ёрдамида Бухоро вилоят агросаноат мажмуини ривожлантириш йўллари белгилаб олинди. Дон етиштиришни 10 фоиз, картошкани олти ҳисса, сабзавот 1,6, гўшт 2, узум етиштиришни эса 3 ҳисса кўпайтириш ҳаётий зарурат эканлиги асослаб берилди.

Бу муҳим ишни дадил ривожлантириб бориш лозим. Ўйлаймизки, республика Қишлоқ хўжалик фанлар академияси қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ахборотлаштириш билан боғлиқ барча муаммоларни дадил ўртага қўяди. Уларнинг ечимини таъминлашга бош-қош бўлади.

Гап шундаки, ҳозирги кунда электрон ҳисоблаш машиналари ва бошқа ҳисоб техникаси алоҳида-алоҳида фойдаланилаяпти. Аниқроқ айтганда, айнан бир масалани ечиш учун ўнлаб бир хилдаги программалар ишлаб чиқилади. Фикримизча бебаҳо техникадан комплекс фойдаланишнинг аллақачон вақти етган. ЭҲМларни бир системага бирлаштириш йўли билан барча жараёнлар хусусида йирик ахборот «банки»ни ташкил этиш, турли хўжаликларни моҳирона бошқаришга эришиш жуда муҳим.

Яна бир долзарб масала — моделлаштириш муаммолари ҳамда иқтисодий-математик усулларни қўлланиш хусусидаги фикрларни ўртага ташламоқчимиз. Ҳозирги кунда тармоқдаги мавжуд барча жараёнлар ҳисоб-китобини чиқариб берадиган турли хил моделлар мавжуд. Бахтга қарши уларда иккита камчилик кўзга ташланади: биринчидан, бу моделлар мавжуд хўжаликларга мослаб ишлаб чиқилган бўлиб, ўзида келажакдаги ўзгаришларни ифодаламайди. Иккинчидан, улар моҳият эътибори билан маъмурий-буйруқбозлик бошқарув системасига яқин. Яъни, уларда шахсий ишлаб чиқариш формаларидаги жараёнлар, ўзгаришлар ҳисобга олинмаган. Шу боис турли шароитдаги хўжаликлар учун иқтисодий-математик моделларни яратиш керак.

Таъкидлаш жоиз, фақат иқтисодий-математик методлар аппарати, ЭҲМ Самарқанд вилоят агросаноат мажмуида меҳнат ресурсларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш жараёнларини атрофлича тадқиқ этиш имконини берди. Бунинг шарофати туфайли ишсизликни келтириб чиқарган, капитал маблағлардан унумли фойдаланилмаганлигининг сабаблари аниқланди. Шунингдек, пировард натижада меҳнат ресурсларининг мақбул структурасини белгилаш, қайта ишлаш саноатида меҳнат қилаётганлар сонини 29,5 фоизга, агросаноат мажмуида маҳсулот реализация қилишни 46,6 фоизга кўпайтириш йўлларини белгилаш имконини берган муқобил усули ҳам назардан ўтказилди. Бу юксалиш меҳнат унумдорлигини ошириш ҳамда инсон омилидан унумли фойдаланганлик билан изоҳланади.

Юқоридагиларга асосланган ҳолда қуйидаги яқдил хулосага келиш мумкин: агросаноат мажмуини ахборотлаштириш программасини ишлаб чиқиш лозим. ЭҲМ ва компьютерларга хос бўлган ахборот хизматининг энг янги, замонавий усулларини қўлланиш талаб этилади. Сир эмаски, ҳамон кўпгина меҳнат жамоаларида электрон-ҳисоблаш машиналари ёрдамида арзимаган операциялар амалга оширилаяпти. Айрим раҳбарлар бу муҳим иш аҳамиятига ҳамон тўла тушуниб етмаётганликлари, лозим даражада омилкорлик, ташаббускорлик кўрсатмаётганликлари тараққиётга тўғаноқ бўлмоқда.

Раҳбарлар ва мутахассислар учун автоматлаштирилган ишчи ўринлари бунёд этилган тақдирда ахборотлаштиришнинг беқиёс имкониятларидан унумли фойдаланишга шароит яратилади.

Давр олдимизга ўта масъулиятли вазифалар қўймоқда. Ҳаётдан орқада қолмаслик учун аввало ўтмиш сабоқларидан хулоса чиқариш даркор. Сир эмас, турғунлик йилларида марказий органларнинг ҳукмронлиги оқибатида аксарият муҳим ахборотлар қуйи бўғинларга етиб келмади. Кабинетларда қабул қилинган қарорларда Ўзбекистоннинг ўзига хос ҳудудий томонлари ҳисобга олинмади, аксинча унинг иқтисодиётига салбий таъсир этди, халқнинг турмуш шароитини қашшоқлаштирди. Таъкидланганидек, баъзи раҳбарларнинг уқувсизлиги, журъатсизлиги, уларда етарли билим, кўникманинг йўқлиги қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини компьютерлаштиришга тўсқинлик қилди.

Республика Қишлоқ хўжалик фанлар академияси доирасида ахборотлар ва ҳисоблаш техникаси ёрдамида тармоқ муаммолари устида иш олиб борадиган ҳамкорликдаги илмий жамоалар тузиш даркор. Ечимини кутаётган долзарб масалалар эса жуда кўп. Булар аввало ижара, кооператив, акционерлик хўжаликлари, фермерлик хўжаликлари ривожига оид муаммолардир. Уларни муваффақиятли ҳал этишда Бухоро вилоятида бой тажриба тўпланган. Игор тажриба кўпчилик мулкига айланмоғи даркор.

С. ҒУЛОМОВ,
иқтисод фанлари доктори, профессор.

Тожикистон билан Поп районн чегарасида Ашт ДАН пости бор. Бу ердан кунига минглаб турли хил транспорт ўтиб туради. Уларнинг қай бири — шахсий, қай бири давлат хизматида. Бу — йўл-патруль хизмати ходимларидан жиддий ҳушёрликни, сергакликни талаб этади.

Яқинда Намангандан Уфа мотор ишлаб чиқариш бирлашмасига юк олиб кетаётган КамАЗ автомашинаси тўхтатилди. Прицепли бу машинага автомобиллар учун эҳтиёт қисмлар ортилган экан.

Тегишли расмий ҳужжатлар бўлмагани сабабли Поп район ички ишлар бўлимининг ДАН бошлиғи, милиция майори А. Ғоипов шофёрга бу юкларни олиб кетишга ижозат бермади.

Ашт давлат автомобиль назорати пости иш бошлаганига ҳали бир йил ҳам бўлгани йўқ. Аммо бу ерда шу қисқа вақт мобайнида жумҳурият ва вилоят ҳудудидан олиб-сотарлик мақсадида ташиб кетилаётган кўп миқдордаги саноат, озиқ-овқат маҳсулотлари, камёб кийим-кечаклар, наркотик моддалар ва ҳатто ўқ отиш қуроллари ушлаб қолинди.

СУРАТДА: А. Ғоипов хизмат пайтида.

А. КОВТУН олган сурат.
(ЎзТАГ).

ТАНИ БОШҚА ДАРД БИЛМАС

Олтиариқ район агросаноат комплекси ходимлари касаба уюшмасининг раиси Мирзараҳмат Бозоров хузурига бир гуруҳ колхозчилар кириб келишди. Улар Чернобилда бўлган бахтсиз ҳодисани бартараф этиш учун ҳарбий комиссариат томонидан мажбуран юборилган, радиоактив нурланиш натижасида касаллик орттириб келган йигитлар эди.

— Менга 1986 йил 25 июнь куни ҳарбий комиссариатдан чақирув қоғози келди, — деди «Ленинизм» жамоасининг 8-бригадаси аъзоси Холматжон Мамажонов. — Комиссариатга борсам «иш жойингдан сувоқчи, дурадгор ёки ғишт терувчи, деган маълумотнома олиб келасан», деб айтишди. Мен сувчи бўлганим учун сувчи, деган справка олиб бордим. Олти нафар фарзандимнинг биттаси вояга етган, қолганлари ҳали ёшлигини айтдим. Иқтисодимиз жуда мушкуллигини тушунтирдим. Шунда улардан бири «болаларингни ҳарбий комиссариатга олиб келсанг сени хизматга жўнатмайди», деб маслаҳат берди. Мен болаларимни ҳаммасини етаклаб ҳарбий комиссариатга келиб, майор А. Воҳидов ҳузурига кирдим. У «болаларингни бу ердан олиб кет, нима ҳарбий хизмат сен учун майнавозчиликми? У ерда юзлаб болалар ўлим билан олишиб ётибди. Сениси ҳар қалай соғ-омонку» деб ўдағайлади. Мен ноилож болаларимни уйга қайтариб юбордим. Биз 20 киши «Жёлтая вода» деган жойда бетон заводида ишладик. Ҳарбий комиссариатга келиб ўртоқ Воҳидовга мурожаат қилдим: «бирор моддий ёрдам борми», десам, у «Сенга ҳеч қандай ёрдам йўқ» деди. 1986 йилдан буён кирмаган идорам қолмади. На иқтисодимни яхшилашга, на саломатлигимни тиклаб олишга марҳаматли бир ташкилот топмадим.

«Ленинизм» колхозининг аъзоси Абдулла Жалолов ҳам 1987 йилда ҳарбий хизматга чақирилган.

— Маълум бўлишича, бизни у ерда икки ойдан ортиқ ушлашга ҳақлари йўқ экан, — деди А. Жалолов. — Мен таҳминан 1987 йил сентябрь ойида ҳарбий комиссариатга бориб майор А. Воҳидовга учрадим. «Бизга қандай имтиёз бор, бизни ҳарбий билетимизга қандайдир имтиёзлар тўғрисида ёзиб қўйилган-ку», десам, А. Воҳидов «Сизларга ҳеч қандай имтиёз йўқ» деди. Шундан кейин тахминан 1989 йил июнь ойида яна ўртоқ А. Воҳидов ҳузурида бўлдим ва унга соғлиғим тўғрисида айтдим. Чернобилдан қайтган кунимдан бери бошим ва оёқларим оғришини, қувватсизлигимни, офтоб нурида юра олмаслигим ва ишлай олмаслигимни тушунтирдим. У бўлса «Мен врач эмасман, врачларга бормайсанми, ахир!», деб жеркиб берди. Унга имтиёз тўғрисида эслатсам, «Нима сенга машина олиб берайми? Ёки самолёт, вертолёт хоҳламайсанми? Уйингга темир йўл ўтказиб поезд жўнатайми?», деб дўқ урди. Шундай муомаладан кейин кимга ҳам додимни айта олардим...

Бизга мурожаат қилаётганлар орасида Энгельс номли жамоа хўжалигининг аъзолари Н. Давлатов, О. Бобоев, Ҳ. Абдураззоқов ва А. Мирзаевлар ҳам бор эдилар. Улар Чернобилдан касалманд бўлиб қайтганликларини ва улар учун имтиёзлар мавжудлигини билмаслиги, ҳеч қайси раҳбар ва ҳарбий комиссариат ходимлари уларнинг арз-додларини тингламаётганликлари ҳақида куюниб гапиришди. Мен район агросаноат комплекси касаба уюшмасининг президиуми аъзоси, район Кенгашининг қонунийлик, қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот комиссияси раиси сифатида райкомсоюз раиси ўртоқ М. Бозоров билан бирга шу масалани жиддий ўргандик.

Бир гуруҳ чернобилчи фуқароларни Олтиариқ район ҳарбий комиссариатида майор А. Воҳидов билан юзлаштиришга тўғри келди. Саволжавоб вақтида кўп нарса аниқланди. Райондаги кўпчилик раҳбарлар ва бухгалтерлар Чернобилда хизмат қилиб, касал бўлиб келган йигитларга берилиши лозим бўлган турли имтиёзлардан мутлақо бехабарлар.

Ҳарбий комиссариатда ўтирган мутасадди ўртоқлар шу ҳақдаги СССР Вазирлар Кенгашининг ва ВЦСПС ҳамда СССР Мудофаа вазирлигининг қатор кўргазмаларини тегишли раҳбарларга етказмаган. Ҳатто шахсан мурожаат қилган чернобилчи собиқ ҳарбий хизматчиларни қонунда кўрсатилган тартибда қабул қилиш ўрнига кўпол муомалада бўлишган. Уларнинг ёзма мурожаатларига ўз вақтида жавоб қилишмаган. Чернобилчиларга белгиланган тартибда имтиёз ва моддий ёрдам олиши учун гувоҳномалар ҳанузгача ёзиб топширилмаган. Район бўйича 96 нафар йигит Чернобилда хизмат қилгани ҳақида рўйхат бор. Аммо улардан қанчаси Чернобилнинг 30 километрлик зонасида ишлаб, қанча нурланиш олганлиги мутлақо аниқланмаган. Бу тузилган рўйхат чернобилчилар ишлайдиган ёки яшайдиган жойларига юборилмаган.

СССР Вазирлар Кенгаши, Марказий касаба уюшмасининг 1991 йил 30 март 325-сонли «Чернобиль АЭСи тажрибасини бартараф этишда қатнашган кишиларга медицина хизмати ва ижтимоий таъминотни яхшилаш» ҳақидаги қарори ва шу масаладаги вилоят ижроия қўмитаси ва вилоят касаба уюшмасининг 1990 йил 15 июлдаги 259/18-сонли қарори ҳақида Олтиариқ район ижроия комитети 1990 йил 27 июль 230/8-сонли қарори қабул қилинган. Район ижроия комитетида бу қарорни агросаноат комплекси касаба уюшмаси ходимлари билан бирга қабул қилиш унутиб қўйилган. Қарор район ижроия қўмитасининг секретари меҳнат отпускасида бўлган вақтида қабул қилингани учун бажарилиши лозим бўлган жойларнинг ҳаммасига жўнатилмай қолиб кетган.

Бундан ташқари у қарорнинг бажарилишини назорат қилиш бўшаштириб юборилган. Район ижтимоий таъминоти бўлимида ҳам чернобилчиларни пенсия масаласига доир бирон тегишли кўргазма йўқ. Мана шундай бошбошдоқлик оқибатида чернобилчилар сарсон-саргардон бўлиб, турли эшикларга бош уриб, нажот истаб дардларига малҳам топа олмаётирлар. Одамларда адолатга, ҳақиқатга бўлган ишонч шу зайлда сўниб бораётир.

Бундай фожиали воқеалар фақат Олтиариқ районидагина эмас, балки жумҳуриятимизнинг кўп жойларида ҳам учраши мумкин. Ватан олдидаги бурчини бажариб, ногирон ва касалманд бўлиб қайтган собиқ ҳарбий хизматчиларга давлат томонидан кўрсатиладиган қатор имтиёзлар қуйидагилардан иборатдир:

«Чернобиль атом электр станцияси талафотларини бартараф этишда қатнашган кишиларга медицина хизмати ва ижтимоий таъминотни яхшилаш ҳақидаги СССР Вазирлар Кенгаши, Марказий касаба уюшмасининг 1990 йил 31 март 325-сонли қарорида 1990 йилда барча талафотларни бартараф этишда қатнашган кишиларни қўшимча медицина кўригидан ўтказиш ва бундан кейинги йилларда ҳам уларнинг соғлиғини доимо кузатиб бориш, врачларнинг ёзишмасига асосан бепул дори-дармон олиш, ҳар йили даволаниш учун санатория-курортларга юбориш, даволаниш учун поликлиника ва бошқа кузатувларга транспортларда бепул бориш (таксидан ташқари), вақтинча иш қобилиятини йўқотгани, шунингдек, ногиронлиги учун ишловчиларга беш календарь ойига нафақа тўлаш, уй-жойларга муҳтожларга биринчи навбатда уй-жойни яхшилаш учун шароит яратиш (бир йилдан кечиктирмаган ҳолда), квартира, иссиқлик, водопровод, газ ва электр энергиясидан фойдаланган учун 50 фоиз кам ҳақ тўлаш белгилаб қўйилган.

Чернобиль фалокати оқибатида ҳалок бўлган фуқароларнинг оилаларига боқувчисини йўқотгани учун ҳам бундай имтиёзлар берилади. Қонунда 1986—1987 йилда 30 километрлик масофада Чернобиль талафотини тугатишда қатнашган ва 1988 йилда 30 километрлик масофада ишлаганлар учун алоҳида-алоҳида имтиёзлар бериш кўзда тутилган. Уларга махсус гувоҳнома ва кўкракка тақадиган нишонлар топширилиши шарт.

Бундан ташқари жойларда маҳаллий Кенгашлар ўз имкониятлари доирасида касаба уюшмалари билан биргаликда уларга озиқ-овқат, моддий-маиший, медицина ва савдо хизмати кўрсатиш масалаларини яхши йўлга қўйишлари лозим.

СССР Олий Кенгашининг, СССР Вазирлар Кенгашининг ва ВЦСПСнинг 1986 йил 7 май 524—156 сонли қарорига асосан Чернобиль талафотини тугатишга юборилган фуқароларнинг иш жойида ўртача ойлиги сақланади. СССР Вазирлар Кенгашининг 1986 йил 23 май 1031-РС фармойиши ва СССР Вазирлар Кенгашининг 1988 йил 21 апрель 491—106 сонли қарорига асосан ходимлар ва ҳарбий хизмат йўли билан чақирилганлар, 30 километрли масофада ишлаганлар ўз ишига қайтиб келгандан кейин бир йўла беш ойлик ўртача иш ҳақини олиш ҳуқуқига эгадирлар.

Агар Чернобилга юборилаётган ҳарбий хизматчи жўнаш олдида вақтинча ишламаётган бўлса, хизмат қилган ҳар ойи учун 100 сўмдан икки ой муддатга 200 сўм ва хизматини бажариб келганидан кейин эса бир йўла 500 сўм жами 700 сўм пул ҳарбий хизматчини чақирган ҳарбий комиссариат томонидан тўланади. Беш ойлик бир йўла тўланган иш ҳақидан даромад солиғи олинмайди.

Чернобилга чақирилган ҳарбий хизматчилар СССР Вазирлар Кенгаши ва ВЦСПСнинг 1987 йил 19 декабрь 1497—378 қарорига асосан улар қўшимча 24 кундан кам ва 36 иш кунидан ошиқ бўлмаган меҳнат отпускаси олиш ҳуқуқига эга. Навбатдаги меҳнат отпускаларини эса хоҳлаган мавсумда олишлари мумкин.

СССР Меҳнат ва ижтимоий масалалар комитетининг 1988 йил 10 ноябрь 585-сонли қарорига асосан пенсияга чиқишда Чернобилда 30 километрлик зонада 1988 йил 1 январгача хизмат қилган фуқароларнинг хизмат даври уч баробар, 1988-90 йилдаги даври 1,5 баравар иш стажига қўшиб ҳисобланади. Булар инобатга олиниши керак.

Р. МУХТОРОВ,
Олтиариқ район Кенгашининг қонунийлик, қонунчилик, ва ҳуқуқ-тартибот доимий комиссиясининг раиси.

ҚОНГА БОТГАН бармоқлар

Бир гуруҳ болалар Шўркўлга туташ қум этагида мол боқаётиб тўсатдан қамишзорда бир одамнинг жасадини кўриб қолишди. Дарҳол Янгиариқ район ички ишлар бўлимига хабар беришди. Милиция ходимлари воқеа тафсилотини аниқлаш учун оёққа турди. Бу ҳақда Ҳоразм вилоят прокуратураси ва ички ишлар бошқармасига ҳам маълум қилинди. Прокуратура ва ички ишлар бошқармаси ходимларидан иборат махсус гуруҳ иш бошлади. Узлуксиз текшириш ва қидирувлардан сўнг қамишзордан топилган мурда Урганч шаҳрида яшовчи Валерий Владимирович Лабачковнинг жасади эканлиги аниқланди.

Воқеа шундай юз берган эди. Ширакайф бўлиб олган Валерий соат 21 да ўзи яшаётган шаҳарнинг Матросов кўчасида истиқомат қилувчи Раҳимберди Сувоновнинг уйига келди ва унга:

— Менга насияга озгина дорингдан (наркотик модда) бериб тур, — деди.

— Пўқ, беролмайман. Олдин насияга олган 700 сўмлик дорининг пулини тўла. Кейин оласан, — деди Раҳимберди.

— Шу бугун қарзингни тўлайман, фақат ҳозир бериб юбор, — деб ялиниб-ёлворди Валерий.

— Ҳа, майли кўрамиз, — деб Раҳимберди наркотик модда ўрнига кайф берувчи уксус ангидридан бериб юборди.

Валерий тунги соат 23.30 да Р. Сувоновнинг уйига маст ҳолда яна қайтиб келди.

— Нақд пул топа олмадим. Мана унинг ўрнига, — деди Валерий Раҳимбердининг қўлига узук берар экан. У узукни бармоғига тақиб кўрди-да, шубҳа билан:

— Бу тилла узук эмас, сохта-ку, — деди.

— Сенга берган узугим олтиндан ишланган эди. Сен уни алмаштиргансан, — жазаваси тутиб сўкина бошлади Валерий. Раҳимберди уни тинчлантиришга ўхшаб, қўлидаги темир мослама билан унинг бошига туширди. Темир зарбидан у ўзини йўқотиб қўйди. Бироз ўтиб сал ҳушига келди.

— Сенинг бундайлигингни билмаган эканман. Илгари билганимда сени ўлдирган бўлардим.

— Энди қўйиб юборсам тинчгина кетасанми ёки йўқми? — деди Раҳимберди.

— Сени ҳам, оила аъзоларингни ҳам ўлдираман, мана кўрасан, уйингни ёқиб юбормасам юрган эканман, — деб Валерий жаврай бошлади.

«Буни қўйиб юборсам энди мени тинч қўймайди, бола-чақамни ҳам ўлдиради» эшитиб қудаларинникига борди. У ердан укасини топиб:

— Юр, бир зарур иш чиқиб қолди, — деб унинг 61—85 ХЗЛ давлат номерли КамАЗ машинасида уйига қайтиб келди. Раҳимберди йўлда укасига:

— Жанжал қўтариб мени ҳақорат қилгани учун Валерий Лобачковни ўлдириб қўйдим, — деди.

Раҳимберди бу сўзни эшитиши биланоқ укасига машинани ҳайдашни буюрди. Улар инспекторни доғда қолдириб, КамАЗни катта тезликда ҳайдаб, Шўркўл қирғоғидан чўл ичига кириб кетдилар. Жасадни эса қамишзорга ташлаб Урганч шаҳрига қайтиб кетишди. Аммо инспектор ҳам анойилардан эмас эди...

Яқинда бу жиноий иш район халқ судининг очиқ мажлисида кўриб чиқилди. Аниқланишича, Раҳимберди илгари ҳам Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 216-моддасининг 2-банди билан айланиб, наркотик моддаларни ғайриқонуний сақлаш ва сотиш билан шуғулланган учун олти йил муддатга озодликдан маҳрум этилган экан. Жазони ўтаган Раҳимберди Сувонов бундан ўзига тегишли хулоса чиқариб олмай, иккинчи марта жиноятга қўл урди. У одам ўлдирганлиги учун тўққиз йил озодликдан маҳрум қилинди. Жазони кучайтирилган тартиб ўрнатилган ахлоқ тузатиш меҳнат колониясида ўташга ҳукм қилинди.

— Чатоқ, қилибсиз, ўлдирмаслик керак эди, —деди укаси.

— Бўлар иш бўлди. Энди минг таваллo қил, фойдаси йўқ. Ўликни бирон олисроқ жойга олиб бориб ташлаб келмасак бўлмайди. Сен унга қўлингни ҳам тегизмайсан, ўзим юклаб, ўзим тушираман.

Жабборган нима дейишини билмай ўйланиб қолди. Акасининг сўзини қайтаришни истамай, ноилож рози бўлди. Улар автомашинадаги мурдани ташлаш учун қулай жой тополмай Урганч, Хива районлари ҳудудидан ўтиб Янгиариқ районининг Чиқирчи қишлоғига етиб келдилар. Автомашина Шўркўлга яқинлашиб қолганда олдиларидан участка инспектори Матёқубов чиқиб, уларни тўхтатди.

— Мен шу қишлоқнинг участка инспектори бўламан. Қаерга бораяпсизлар, — сўради инспектор.

— Бизлар Шомурод баликчиникига боряпмиз, —деб жавоб берди. Раҳимберди ҳовлиқиб.

— Бу қишлоқда ундай балиқчи йўқ. Ҳужжатларингизни кўрайлик-чи, —деди у шофёрга.

Раҳимберди бу сўзни эшитиши биланоқ укасига машинани ҳайдашни буюрди. Улар инспекторни доғда қолдириб, КамАЗни катта тезликда ҳайдаб, Шўркўл қирғоғидан чўл ичига кириб кетдилар. Жасадни эса қамишзорга ташлаб Урганч шаҳрига қайтиб кетишди. Аммо инспектор ҳам анойилардан эмас эди...

Яқинда бу жиноий иш район халқ судининг очиқ мажлисида кўриб чиқилди. Аниқланишича, Раҳимберди илгари ҳам Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 216-моддасининг 2-банди билан айланиб, наркотик моддаларни ғайриқонуний сақлаш ва сотиш билан шуғулланган учун олти йил муддатга озодликдан маҳрум этилган экан. Жазони ўтаган Раҳимберди Сувонов бундан ўзига тегишли хулоса чиқариб олмай, иккинчи марта жиноятга қўл урди. У одам ўлдирганлиги учун тўққиз йил озодликдан маҳрум қилинди. Жазони кучайтирилган тартиб ўрнатилган ахлоқ тузатиш меҳнат колониясида ўташга ҳукм қилинди.

Ж. ОТАНАЗАРОВ,
Янгиариқ район прокурори, адлия маслаҳатчиси.
С. РАҲМОНОВ,
район халқ судининг раиси.

Саид ФОИҚ

ТЎЙ КЕЧАСИ

Санд Фоиқ ҳаётий ҳикоянависликка асос солган Туркиянинг улкан адибларидан биридир.

У 1906 йили 22 ноябрда Адапазорида туғилди. Илк маълумотни ўша ерда, ўрта маълумотни Истамбулдаги лицейда ва Бурса лицейида олди.

У аввалига озгина фурсат «Ҳабар» газетасида мухбир бўлиб ишлади. Шундан сўнг Бурғоз оролидаги онасининг уйида яшади. 1954 йилда жигар хасталигидан вафот этди. 1963 йилда Бурғоз оролидаги ана шу уй «Санд Фоиқ» музейига айлантирилди.

Адиб асарларида жамиятдаги чиркин иллатларни қаттиқ танқид қилиб, кишиларни адолат учун курашга, одамларни меҳр-оқибатли бўлишга чақирди.

Туркияда кўп йиллардан бери Санд Фоиқ номли мукофот таъсис этилган. У адабиёт соҳасидаги энг олий мукофотлардан биридир.

Унинг «Тўй кечаси» ҳикояси ўзбек тилида илк бор эълон қилинмоқда.

Аҳмад ўн олти ёшга қадам ташлаган бўлса-да, ҳанузгача туғилганлик гувоҳномасида қайд этилмаганди. У ҳабашларга ўхшаш қопқора, овози босиқ, ялпоқ бурни, кенг пешонасига тушиб турган сочлари ложувард тусда ялтиллаб турарди. Лабида эндигина мўй сабза ура бошлаганди. Астарбоп газламадан тикилган қўйлаги орасидан жуда нозик ва вақорли қомати шундоққина балқиб турарди. Туғилганлик гувоҳномасини берувчи ўғлининг исмини қайд этаркан, отасини жеркиб берди:

— Уялмайсанми? Шу вақтгача йигитчани темир дафтардан ўтказмасдан юрибсанми? Демак, аҳолини рўйхатдан ўтказганда чалкашпликка йўл қўйгансан?

Рўйхатдан ўтказишди-ю, уни маҳкам ушлаб олишди. Уларнинг яккаю ягона ўғли Аҳмадни аскарликка олишлари керак эди. Кейин иш анғлашилмовчиликка бориб тақалди. Не чораки, Аҳмад Туркиянинг асл фарзандлари қаторига қўшилмай қолди. Аҳмаднинг отаси Рустам оға, кейинроқ бориб бу ишнинг фойдасини тушунса керак.

Рўйхатга олиш котиби охирида:

— Йигирма ёшда борми, бу ўғлон? — деб сўради.

Минг уч юз ўттизинчи йилда туғилган деб қайд этилган ўн олти ёшли Аҳмадни, йигирма олти ёшга кирган деб, минг уч юз ўттиз иккинчи йилда туғилган бир хотинга уйлантириб қўйишди.

Кеч кузнинг қоронғи кечаси эди. Ёмғир худди челаклаб қуярди. Булут бутун осмонни қоплаб олганди. Тўкилган каштан ёнғоқлари ерда тўпланиб қолганди. Ана шу каштанзорда қўлларида фонарлари бўлган бир неча киши Аҳмадни олдиларига солиб келишарди. Қора Абди Аҳмадни бироз тўхтатиб гап уқтирди:

— Аҳмад, — деди, — мен сенинг дўстингман. Ҳозир сўзимни яхшилаб тинглаб ол! — У жим қолди, кейин яна давом этди. — Биз бир елка уриб, устингдан эшикни ёпиб қўйишимиз билан дарров солиб қўйилган жойнамозда икки ракат намозни ўқиб оласан, тушундингми?

Ёмғир тинмай ёғарди. Ерда чуқурликлар пайдо бўлган. Фонарларнинг нури узоқлашиб борарди. Улар йиғилиб қолган қўлмакларга эътибор бермай келишарди. Шимларининг ярмиси жиққа ҳўл бўлганди.

Ойнаклари бугланиб кетган қишлоқ қаҳвахонасининг деразаларига ёпишган бир неча йигитлар куёв жўра билан келаётган Аҳмадни кўргач жилмайишди. Кексалар, қаҳвахонанинг эшигига чиқиб, Аҳмадга зарур деб топган ҳазил-мутойиба гапларини отишди. Аҳмад шошиб қолганидан қуюқ каштан шохларига ўзини уриб олди. Тиканаклари кириб, тани оғриди. Абди, уни каштанларнинг олдида қолдирди. У олдинда фонарларини ёқиб тез-тез кетаётган кишиларга бақирди:

— Ҳов, тўхтаб турмайсанларми? — Кейин Аҳмадга ўгирилди.

— Қолганини ўзинг билабсан, — деди у. — уйланаётган йигитсан, мени кўп жавратма...

Аҳмад жавоб бермади. Каштан тиканлари танини эирқиратарди. Орзига каштан ёнғоғи солингандай чурқ этмасди. Қўлларида фонар ушлаб олган йигитлар эса ичиб олишган уч-беш қадаҳ роқининг таъсирида сармаст эдилар.

Улар қўзлари чақноқ, вужуди илонга ўхшаш, бўйи эман дарахтидай қоматдор йигитга ҳар бир одам ҳазиллашиб. бир нарсалар деб гап отишарди.

Гулсумнинг уйи бу оқшом жуда узоқда жойлашгандай туюлди. Ёмғир тоза авжига чиқди. Охири бўлмади. Йигитлар чопишга тушдилар. Уйнинг олдига етиб келишлари биланоқ ичкаридаги хотинлар шошганча эшикни очдилар. Куёв тўра обдон сувга бўккан эди. Ложувард астарбоп газламадан тикилган кўйлаги, сочларининг рангига ўхшаб қолганди. Ёноқларидаги қоп-қора момиқ мўйлари ҳўл бўлганди. Гулли даструмолчасини чиқариб, ҳўл бўлиб кетган башарасини артган заҳоти жоноқи олмадек юзи ажиб бир жило кашф этди.

У атрофига боқмасди, боя қўлларига кириб, синиб кетган каштан тиканларини тозаларди, Келтирилган қаҳвани Абдининг берган тавсиясига қараб ўтирмай, икки ютумнинг ўзида йўқ қилди. Танасининг титраши унга бундан тўрт йил аввалги бўлиб ўтган суннат тўйини эсига соларди. Бироздан кейин негадир уни типпа-тик туришга мажбур қилдилар. Йигитлар бир эшикнинг олдига олиб келиб, уни ичкарига орқасидан муштлай-муштлай тиқиб юбордилар ва ўзлари тисарилганча жўнаб қолдилар.

Бу ер томи паст, бир хонали уй эди. Шипга бошбош узумлар, шода-шода олмалар, ноклар, беҳилар осиб қўйилганди. Ним қоронғи хонанинг ичини одамни маст қилувчи ажиб мевани ҳиди босиб кетганди. Йўқ, мева ҳидига ўхшамасди. Бу ерда келин кийимлари ва нозик батис кийган соғлом бир хотинининг ҳиди бор эди. Бу ҳид мевалар исини босиб кетганди.

У очиқ деразага тўғри бориб, уни ёпди ва уйдан бирма-бир чиқиб келаётган эркак-хотинларни, фонарли ҳалиги гуруҳни томоша қилиб турди. Комоднинг устидаги пашша ўтириб кетган гулли қоғозларни ва бир аскар фотосуратини қўллари билан тузатди. Керосин лампаси пилигини пасайтирди. Хотин эса ҳаракатсиз, оёқда тик пойлаб турарди. Бу орада кўзига кўриниб қолган жойнамозни тўрт буклаганча хонанинг бир бурчагига отди. Ойнанинг олдига бориб, қизариб кетган юзига боқди... Хотин деразанинг олдида ўтиларди. Худди Абди айтганидай, бурчакдаги болиш бўш турарди. Қора Абди «Хотинни қаршингга қўйиб оласан-да, ҳеч бўлмаганда бир соатча суҳбат қурасан» деганди. Танимаган кимса билан нима ҳақда ҳам гаплашади? Боши ниҳоятда қизиб кетганди, асаб томирлари ўйнаб турарди. Яна ойнага боқиб, юзига назар ташлади. Керосин лампасининг пилиги тушиган ёруғда узоқ вақт худди бир нарсалар қидираётгандай хаёлга толди ва ниҳоят пиликни қалин бармоқларини силкиб ўчирди. Деразанинг олдида ташқарига, қоронғиликка ва ёмғирга тикилиб ўтирган хотин кўринмасди.

Аҳмад ғовуш чиқармай индамасдан хотининг қаршисидаги тахта каравотга бориб ўтирди. Асабий қўллари билан бошини эзди. Ҳеч тушуниб етолмасди. Фақат қулоқлари ҳаддидан ошиб бораётган ёмғирнинг шовқинини ва қишлоқдан келаётган турли-туман товушларнигина эшитарди, бошқа бутун ҳис сиётлари ғирчиллаётган чигириқ каби бошини айлантириб юбормоқда эди. Аҳмад бошини айлантираётган ўша жойни топиб, уни миядан ҳайдаб чиқаролмай гаранг эди. Бундай ёмон ҳолат фақат унинг бошидагина эмасди. Агар кўппаклар овозини ўчирса, ёмғир бир лаҳза бўлса ҳам тинса, кўп нарсаларни тушуниб етган бўларди. Хонани чақмоқнинг чақнаган нури бир зум ёритди. Яна шундай чақнаган ёдда Аҳмад, шу пайтга қадар ажойиб бир хонада ёлғиз бир ўзимман, деб ўйлаб турганда, қаршисида каттакатта кўзлари даҳшатга тушган бир хотин ҳам борлигини кўрди. Бу мовий, чақнаган нур, худди ундан чиқаётгандай туюлди. Бунинг устига каштан тиканлари кириб кетган кафтлари баттар ачишарди. Бўлмаса, бу оқшом яхши еб, яхши ичганди. Бу оғирлик, бу лоҳасслик, меъдасиданмикан, а? Жуда ўзини ёмон ҳис этаяпти-ку! Кўзлари тинди, боши қотиб қолди, баданида терлари қотди. Кейин худди безгак тутгандек титраб қақшаб, ўтирган ерида букчайганча, ётиб қўяқолди.

Тонгга яқин уйғонганида хотинни тахта каравотнинг у бурчагида, узун шалвари билан ухлаб ётган ҳолда кўрди.

Ёмғир тинган бўлса-да, тонгнинг ғира-шира қоронғилигида майдон узра ҳўл ҳаво эсиб турарди. Ҳанузгача кўппакларнинг вовуллагани эшитиларди. Сигирлар қўнғироқларини ҳўл ва туманли ҳавода жиринглатганча ўтиб кетдилар. Чўпонларни намат ва қопларни орқалаб, маҳзун ўтганларини кўрди.

Гулсум ҳам уйғонганди. Ранги сўлғин эди, кулимсираётганга ўхшаб кўринарди. Ойнаклардан ўтган тонг нурида шипга осилган узум ғужумлари товланарди. Аҳмад чанқаганди. Бир шингил узум олиб еди. Сўнгра яна бир шингил олиб, ётган сўлғин қизга яқинлашиб, унинг оғзига бир-икки донасини солди. Кейин ҳеч бир нарса демасдан ним қоронғиликда оппоқ бўлиб кўринаётган бўйнига қалин ва терли лабини босди.

Бу пайтда қуёш чиққан, у дераза ойнакларида ва иккисининг кўзларида ўйнарди. Улар пардаларни тортишди...

Туркчадан
Мирвали АЪЗАМ
таржимаси.

ТУРК АДИБЛАРИ ИЖОДИДАН

Қодирқул Зокиров халқ маорифи аълочиси, билимдон ўқитувчи. У узоқ йиллардан бери Бекобод районидаги Ҳамид Олимжон номли мактабда биология фанидан ёшларга сабоқ бермоқда. Ишбилармон муаллим ҳар бир ўқувчи қалбида табиатга муҳаббат уйғотишга интилади.

СУРАТДА: Қ. Зокиров табиат музейида ўқувчилар билан машғулот пайтида.

Б. САФАРОВ олган сурат.

АРЧАЗОРДАГИ ФАН ДАРГОҲИ

Тошкент давлат аграр дорилфунунининг ўрмон хўжалиги кулллиёти шу соҳа мутахассисларини тайёрлайди. Булар ўрмон хўжалиги муҳандислари бўлиб, ўқишни тугаллаганларидан сўнг Ўзбекистоннинг тоғли районларида фаолият юритадилар.

Янги дастурларда толибларнинг ўқув ва ишлаб чиқариш амалиётини ташкил этишга алоҳида эътибор берилмоқда. Бўлажак мутахассисларнинг ҳар бири амалиётни, албатта, бирор ўрмон хўжалигида ўтказиши керак. Бундан мақсад ўрта Осиёнинг тоғ ўрмонларига боғлиқ минтақавий муаммолар билан яқиндан танишишдир.

Журақбой деган ерда махсус манзилгоҳ бор. Толиблар бу ерда арчазорларнинг тузилишини ўрганмоқдалар, бу ажойиб дарахтнинг фотоценози ва зооценози билан танишмоқдалар, тоғ ўрмонларини баҳолашнинг амалий масалалари билан шуғулланмоқдалар.

Ғарбий Тянь-Шань минтақасидаги ўрмонлар самарадорлигини ошириш масалаларини ҳал этиш бўлажак мутахассисларни тайёрлашдаги энг муҳим йўналишдир. Хўжаликларда ернинг нурашига қарши курашда қандай чоралар самарали натижа беради, тоғ ёнбағирларида сел оқимлари йўлини қандай тўсиш керак, эндиликда йўқ бўлиб кетган дарахтзорларни тиклаш учун нима қилиш даркор? Булар ёш мутахассисларни амалиётдан ўтказиш чоғида ўргатиладиган муаммолар жумласига киради.

Афсуски, Ўзбекистон тоғларида табиий ўрмонлар ниҳоятда оз қолди. Уларнинг дарахтзорлар билан қопланиш даражаси 2,5 фоизни ташкил этади, холос. Устига-устак бу ерларда ҳам дарахтлар сийрак. Мана шунинг учун ҳам уларнинг тоғларда нам сақлашдаги ролини ошириш учун ўрмонларни тиклаш ва янги яшил минтақаларни бунёд этиш ишларини кенг ташкил этиши зарур.

Талабалар Чотқол тоғларининг денгиз сатҳидан 1600—1700 метр баландликдаги жойларида оқ акас, дуб, ёнғоқ, ўрик каби дарахтларнинг ўсиш имкониятларини ўрганмоқдалар. Улар ёзги таътил кунларида қияликларнинг экологик тузилмалар шаклланишига таъсир кўрсатиш хусусиятларини тадқиқ қилдилар. Талабалар раҳбари, ассистент С. И. Пугачев тоғларнинг жанубий ва шимолий қияликларида экологик тузилмалар қандай хусусиятларга эга бўлишини «жонли» мисолларда кўрсатди. Маълум бўлишича, Ғарбий Тянь-Шаннинг денгиз сатҳидан 1300—1700 метр баланд қияликларидаги арчазорлар фитоценозларга ниҳоятда бой экан. Уларнинг шаклланишида 600 турдан зиёд ўсимлик, 40 хилга яқин дарахт ва бута фаол қатнашаркан.

Афсуски, ана шу ноёб табиий бойликлардан хўжасизларча фойдаланилмоқда. Ҳайвонларнинг ҳайдаб боқилиши, меваларнинг талон-торож этилиши, ёнғоқлар, доривор гиёҳларнинг исроф бўлиши, тартибсиз ов қилиниши оқибатида табиатга катта зиён етказилмоқда.

Айниқса, дам олиш мақсадларида фойдаланилишидан жиддий зарар кўрилмоқда. Дарахтлар шикастланмоқда. Дам олинган ерларда гулханлар ўчирилмайди. Озиқ-овқат қолдиқлари қолиб, муҳит ифлосланмоқда.

Ҳозирги кунда дам олишни тартибга солиш масаласи кескин бўлиб қолмоқда. Бу тоғли минтақаларди дарахтзорларни сақлашни яхши йўлга солиш имконини беради. Аграр дорилфунунининг бўлажак муҳандислари айни шу муаммолар устида ишламоқдалар.

А. АФАНАСЬЕВ.

ОЙНАН ЖАҲОНДА

19 ДЕКАБРЬ, ПАЙШАНБА

● УзТВ I

8.00 «Ахборот».
8.25 «Соғлом бўлай десангиз».
8.35 «Болалар овози». Концерт.
10.00 Такрорий фильмлар экрани. «Шавкатли рицарь Айвенго ҳақида қисса». Бадиий фильм («Мосфильм»).

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.10 «Сахий ўрмон». Мультфильм.
18.25 «Марғилонлик ишбилармон кишилар».
18.45 «Ёшлик оқшоми».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 «Ўзбекистон». Телевизион киножурнал.
20.10 «Санъатим—саодатим». Раққоса Гулчеҳра Фозилжонова.
21.00 «Ахборот».
21.25 Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги матбуот маркази хабар қилади.
21.40 «Кино... Кино... Кино...».
22.50 «Санъат усталари». Тошканбой Эгамбердиев.
00.10 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● УзТВ II

10.30 «Ҳайвонот оламида». Кинопрограмма.
11.30 «Депутат ва ҳаёт» (такрор.).

* * *

«ТОШКЕНТ»
СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 «Динозавр тухуми». Телефильм.
19.00 «Бу оқшомда».
20.00 «Пульс». Хабарлар.
20.10 «Бу оқшомда» (давоми).
21.30 Москва. Информацион программа.
22.05 «Бозор, нарх-наво ва конъюнктура».
22.30 «Кинонигоҳ».
00.15 «Пульс». Хабарлар.

● МТ
«Орбита IV»

7.00 «Тонг».
9.30 «Вардевар — атиргуллар байрами». Мультфильм.
9.40 «Мана... яна Насриддин». Телевизион бадиий фильм премьераси («Ўзбектелефильм»).
11.00 Болалар соати (инглиз тили дарси билан).
12.15 ИИВ маълумотларига кўра...
12.30 ТСН.
12.50 Запорожье телевидениесининг кўрсатувлари.
13.45 «Телемикст».
14.30 «Простор».
15.00 ТСН.
15.20 Р. Идрисова ва Г. Файзуллин куйлайди.
15.40 «Бугун ва ўша пайтларда...».

*

16.10 «Узмига пешвоз». Телевизион бадиий фильм. 3-серия.
17.30 Бадиий гимнастика. «Советский балет» ойномасининг соврини учун А. Семёнова-Найпак халқаро мемориал турнири. Харьковдан кўрсатилади.
18.15 «Қизиқувчилар олами».
18.30 ТСН (сурдо таржимаси билан).
18.50 «Хусусийлаштиришнинг мураккаб йўллари».
19.20 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
20.05 «Мана... яна Насриддин». Телевизион бадиий фильм премьераси.
21.30 Информацион программа.
22.05 «Шайтон инжилидан». Сталин тевараги дагн кишилар ҳақида бадиий-публицистик фильм премьераси.
23.20 ИИВ маълумотларига кўра...
23.35 «Мусиқага таклиф».
00.50 ТСН.
01.05 Волейбол. СССР чемпионати. Эркаклар. МАСК — «Динамо» (Москва вилояти).

● МТ
«Дубль IV»

9.00 Эрталабки бадантарбия машқлари.
9.15 «Майин думли жинвачча». Мультфильм.
9.30 Испан тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун.
10.00 Испан тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун.
10.30 Ритмик гимнастика.
11.00 Рус тили.
11.30 «Қайрилиб боқ, Россия». «Александр ва Маргарита». 1-қисм.

*

12.00 «Чистие прудидаги уй». Р. Биков марказн.
13.30 Параллеллар. «Комарово ва унда яшовчилар».
14.00 Оперетта артисти Н. Рубан.
14.45 «Сиз менинг замондошларим». Телефильм.

* * *

17.20 Билимдонлар учун машқ.
17.50 Рус тили.
18.20 «Уралдаги уч учрашув».
19.20 «Қирралар». Бадиий-публицистик кўрсатув.
20.00 «Россия билан юзма-юз».
20.25 Эълонлар.
20.30 Хабарлар.
20.50 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.05 «Вестник» Зальцбургда». Ю. Башмет ва унинг «Москва солистлари» камер оркестри. 3-фильм.
21.55 РСФСР Олий Кенгашининг сессиясида.
22.25 «Бешинчи ғилдирак». Бадиий-публицистик кўрсатув.
23.25 Эълонлар.
23.30 Хабарлар.
23.50 Эълонлар. Эртанги кун мунажжимлар башоратида.
23.55 «Бешинчи ғилдирак» (давоми).

МУҲТОЖЛАРГА ЁРДАМ

Боғишамол район меҳр-мурувват жамғармасининг ходимлари камбағаллар, муҳтож қишиларга ёрдам бериш учун ҳайрия ким ошди савдосини ўтказдилар. Унда Самарқанд кимё заводининг ходимлари фаол қатнашдилар. Корхона раҳбарлари ким ошди савдосини уюштиришда ёрдам беришгина қолмай, айни вақтда хорижий мамлакатларда чиқарилган фотоаппаратлар ва магнитофонларни ҳам савдога қўйдилар. Бу нарсаларнинг ҳаммаси мол алмашиш йўли билан олинган эди.

Самарқанд чинни заводи халқ услуби йўлида чиройли нақшлар билан безатилган идишларни ҳам ким ошди савдосига тақдим этди. «Сино» музлатгичлар ишлаб чиқариш бирлашмасининг, «Динамо» тикувчилик фабрикасининг, «Людмила» пойабзал бирлашмасининг маҳсулотлари ҳам бу ерга келтирилган эди.

Шу ерда Н. Самаркина кутилмаганда йирик корхоналар билан рақобат қилди. У ким ошди савдосига қадимий бутни қўйди ва ундан тушган пулнинг бир қисмини, яъни 310 сўм пулни меҳр-мурувват жамғармаси ҳисобига ўтказди.

Жамғарма ходимларининг меҳнати зое кетмади. Шу куни меҳр-мурувват жамғармаси ҳисоби варақасига 24 минг сўм пул ўтказилди. Бу пуллар ёлғиз қишилар, уруш ва меҳнат фахрийлари, афғончи жангчилар, камбағал ва кўп болали оилалар, ёшликдан ногирон бўлиб қолган кишиларга ёрдам тариқасида сарфланади.

Х. ШУКУРОВ,
ЎзТАГ мухбири.

МАСЛАҲАТ

ҲАВАСКОР ҚУШИҚЧИЛАР УҚИШМАСИН

Қайта қуриш даврида яратилган шўх қўшиқлар ҳаётимизга чуқур сингиб бормоқда. Баъзилар: «Оч қорингга қўшиқ чикора», деб фикримизни рад этишга уринишлари ҳам мумкин. Лекин улар қаттиқ янглишадилар. Ҳозир ҳатто янги туғилган бола ҳам аввалгидек «инга-инга» деб йиғлаш ўрнига «танга-танга» деб ашула айтмоқда. Қўшиқчиликка ҳавас ана шундай даражада кучайган бир пайтда сиз, ҳаваскор хонандаларга баъзи маслаҳатларимизни айтиб ўтишни лозим топдик.

Айтайлик, сиз қўшиқ айтишни ҳавас қилувчилар кўчасига кириб қолдингиз. Кўпчиликка, айниқса ёшларга ёқишингиз учун фаолиятни қизлар номи билан боғлиқ ашулаларни айтишдан бошланг. Чунки кўпгина хонандалар Ҳабиба, Шарифа, Феруза, Матлуба, Салима, Ҳалима, Лола, Ҳилола сингари қизлар номи билан боғлиқ қўшиқларни ижро этиб, элга танилганлар. Лекин сиз янги, ҳеч ким айтмаган қўшиқларни ўрганинг ва ижро этинг. Бунинг қийин жойи йўқ. Чунки ҳали номи қўшиққа солинмаган қизлар тўлиб-тошиб ётибди. Айниқса, маданий ном эгалари бўлган Жанетта, Офелия, Света, Ксения, Клара сингари қизларга атаб ашулалар яратилгани йўқ.

Сиз улардан бирига қўшиқ бағишланг. Айтайлик, Ксенияга атаб қўшиқ айтмоқчисиз. Аввало қиз